



Сайгоқни асраш бүйича альянс наши

2015 йил Ёз:

19-сон

# SAIGA NEWS

Экология ва сайгоқни асраш масалалари бүйича ахборот айрбошлиш учун б тилда нашр этилади

Евгений Полонский фотограф



## 2015 йилда ҳалокат ва сайгоқни асрашга умидлар

Сайга Ньюс нашрининг 19-сонини тайёрлаш жараёнида биз ҳалок бўлайтган бетпакдала популяцияси сайгоқлари сони тобора қўпайиб бораётгани ҳакида янги ва янги хабарлар ола бошладик. Қозогистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлигининг сўнгги (5 июндаги) расмий баёнотига кўра, ҳалок бўлган сайгоқлар сони 134 352 бошга етган ва бу бетпакдала популяциясининг 62 фоизини, ер юзидағи сайгоқлар миқдорининг эса қарийб ярмини ташкил этади. Сайгоқлар тугадиган жойларда нобудгарчилик айниқса катта бўлиб, бу биринчи навбатда ургочи сайгоқлар ва уларнинг болаларига тегишили. Ҳалок бўлган ҳайвонларнинг мурдаларини ийғишириб олаётган ва уларнинг экспертизасини ўтказаётган одамлар меҳнати қай даражада даҳшатли эканини биз факат тахмин қилишимиз мумкин.



ACSK фотограф

Давоми 2-бетода

Нашр мададкори:

Кўшимича мададкорлар:



WCN

Wildlife Conservation Network



WCS CHINA  
国际野生生物保护学会

# МУНДАРИЖА

## Бош мақола

Э.Ж. Милнер-Гулланд 2015 йилда ҳалокат ва сайғоқни асрашга умидлар .....

1

## Янгиликлар

Татьяна Брагина Қозогистонда сайғоқларнинг ўтиш ўйлари муҳофаза остига олинди .....

3

Буяна Чимеддорж Маҳаллий аҳолидан олинган ахборот Мўғалистонда браконьерлик даражасини пасайтиришга ёрдам бермоқда .....

5

Наталья Шивалдова Сайғоқсиз чўл сутсиз қалмиқ чойини эслатади .....

5

Жанна Аксартова, Алия Тонкобаева Қозогистонда «Сайғоқ – қозоқ чўли тимсоли» биринчи республика болалар танлови бўлиб ўтди .....

7

Наталья Шивалдова «Кўчиб юрувчи ҳайвонлар куни» - табиатга яқин бўлиш учун яна бир асос .....

8

Айгуль Айтбаева Қалмиқистонда Улдис Кнакис хотираси ёд олинди .....

9

Таҳририятдан Қалмиқистон Республикасининг Ёввойи ҳайвонлар маркази оғир даврни бошдан кечирмоқда .....

10

## Матбуотдан

Сайғоқ Қалмиқистон Қизил китобига киритилди .....

11

Қозогистонда сайғоқлар ҳалок бўлмоқда .....

11

## Мақолалар

Владимир Калников Астрахань вилоятидаги «Степной» буюртма қўриқхонаси ҳудудида сайғоқ мониторинги .....

12

Баябатар Бувейбатар ва бошқ. Популяция миқдори ва Ғарбий Мўғалистонда сайғоқнинг тарқалишига таъсир кўрсатаётган омиллар .....

14

Елена Бикова ва бошқ. Ўзбекистонда маҳаллий аҳоли иштирокидаги мониторинг маълумотларига кўра сайғоқнинг тарқалиши ва ноқонуний овчилик даражаси .....

16

Анна Ячменникова Сунъий йўлдошдан олинган ўта аниқ суратлардан сайғоқ мониторинги учун фойдаланиш имкониятлари .....

19

Матиас Шнейдер ва бошқ. Сайғоқнинг турли популяцияларини шохлар ва жундаги барқарор изотоплар бўйича ўрганиш .....

21

Форрест Хогг ва бошқ. Шимоли-Ғарбий Каспийбўйи аҳолиси сайғоқларни ноқонуний истеъмол қилишини ўрганиш .....

23

Ками Маббутт ва бошқ. Сайғоқлар Урал популяциясини асраш ишида волонтёrlарнинг қатнашиш ниятига таъсир кўрсатувчи омиллар .....

26

## Сайғоқни асраш - уларнинг ҳаёт иши

Альберт Салемгареев, Қозогистон .....

28

Давоми (бошланиши 1-бетда)

Сайга Ньюс нашрининг бу сонида яна бир фожиа ҳақида ҳабар бор. Бизга маълум бўлишича, Қалмиқистон Республикасининг Ёввойи ҳайвонлар маркази (ЁҲМ) парваришихонасида сайғоқлар деярли тўлиқ нобуд бўлган, Марказнинг ўзи эса ёпишиш арафасида. ЁҲМдаги дўстларимиз узоқ йиллар давомида илмий тадқиқотлар ўтказиш, сайғоқни асраш ва бу ишга жамоатчиликни жалб қилиш йўлида ўзига хос маёқ бўлиб хизмат қилди. Бу янгилик Шимоли-Ғарбий Каспийбўйида табиатни муҳофаза қилиш ишига берилган даҳшатли зарба бўлди.

Бошқа мақолаларда ҳам Шимоли-Ғарбий Каспийбўйи ва Устюрт ҳудудида яшайдиган сайғоқ популяцияларининг макоми ҳақида кишини ташвишга солувчи маълумотлар келтирилган. Салбий жараёнлар бу ерда ҳам давом этмоқда ва сўнгги икки йил ичиди сайғоқлар сони анча камайди. Елена Бикова ўз ҳаммуаллифлари билан бирга ёзган мақола Қозогистон 2011-2012 йилларда чегара чизиги бўйлаб ўрнатган тўсик давом этатётган браконьерлик билан бирга сайғоқлар устюрт популяциясининг кирилиб кетиш ҳавфини пайдо қилганидан далолат беради. Владимир Калников ва унинг гурухи 2014 йилда олган сайғоқлар сони кўрсаткичларни 10 йил олдинги кўрсаткичлар билан солишириш Шимоли-Ғарбий Каспийбўйи ҳудудида ҳайвонлар сони сезиларли даражада қисқарганини кўрсатади. Форрест Хогг ўз ҳаммуаллифлари билан бирга бунинг эҳтимол тутилаётган сабабини кўрсатади: Қалмиқистонда ўтказилган сўров иштирокчиларининг 34 фоизи сўнгги 12 ой давомида сайғоқ гўштини истеъмол қилган. Мазкур маълумотларнинг барчаси минтақада сайғоқ гўштига талаб катта эканлигидан, бу эса ўз-ӯзидан браконьерликнинг ўсишига ва сайғоқлар сонининг сезиларли даражада қисқаришига олиб келаётганидан далолат беради.

Бу мудхиш ҳабарларни била туриб сайғоқлар келажагига умид билан қараш мушкул, албатта. Аммо Сайга Ньюс нашрининг мазкур сони бизда бундай умидни ҳам пайдо қиласди. Мўғалистонда сайғоқлар сонига оид янги илмий асосланган баҳолаш натижалари мазкур кичик тур миқдори ҳозирги вақтда тахминан 15 000 бошга етганини кўрсатади. Гарчи бу баҳолаш бошқа усувлар асосида амалга оширилган олдинги ҳисоблашлар билан қиёсий бўлмаса-да, популяция сони ўсиб бораётгани ва кўрилаётган табиатни муҳофаза қилиш чоралари самара бера бошлагани ҳақида сўз юритиш имконини беради.

Бундан ташқари, одамларнинг ўзи ҳам бизда маълум даражада умид уйғотади. Сайғоқни ва у яшайдиган муҳит – чўлни асраш ишида одамлар қандай фидокорлик

билин иштирик этәётгани ҳақидағи мақолаларниң үқиши шундай умидни пайдо қиласы. Болаларга йўқ бўлиб кетаётган ушбу тур ҳақида билим берәётган устозлар ва гурух раҳбарларининг садоқати ҳам кишини ҳайратга солади. Кёти Маббат ва бошқаларнинг урал популяцияси билан боғлиқ иши бундан олдинги тадқиқотларнинг хулосаларини тасдиқлади. Аниқроқ айтганда, улар сайғоқ билан боғлиқ жорий вазиятдан одамлар хабардор эканлигини ва улар имконият бор жойда сайғоқни асраршга ихтиёрий равишда ёрдам беришга ҳаракат қилаётганини намойиш этади. Бетпакдаладаги сайғоқлар ҳалокати муаммоси бутун дунёда ОАВни ташвишга солаётганини бу йўқ бўлиб кетаётган турнинг тақдирига одамлар бефарқ эмаслигини кўрсатади. Табиатни муҳофаза қилувчилар бу мушкул вазиятдан чиқиши йўлларини топишга ҳаракат қилимодалар. Бунга Сайга Ньюс нашрида қайд этилган «сайғоқни асрарш иши қаҳрамонлари»дан бири Альберт Салемгареев мисол бўлади. Бунда ҳукуматнинг ўрни ва аҳамияти ҳам катта. Татьяна Брагинанинг экологик йўлаклар ҳақидағи мақоласи Қозогистон Ҳукумати атроф муҳитни муҳофаза қилиш ишига содиқ эканлигини намойиш этади; Қалмиқистон Республикаси Ҳукумати сайғоқни Кизил китобга киритди; Мўғалистонда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлик мустаҳкамланди.

Биз Россия, Қозогистон ва Ўзбекистондан келган сўнгги янгиликларни таҳлил қиласы эканмиз, ишни нимадан бошлаганимизни унутмаслигимиз керак. 2003 йилда сайғоқлар сони барча популяцияларда ўта паст даражада эди, айни вактда уларни асраршга қаратилган ҳаракатлар лозим даражада эмасди. 2006 йилда Кўчиб юрувчи турлар бўйича конвенциянинг Сайғоқни асрарш бўйича ўзаро англашув ҳақидағи Меморандуми имзолангандан кейин сайғоқ ареалидаги ҳукумат, ноҳукумат ва ҳалқаро ташкилотлар, олимлар ва маҳаллий аҳоли бу турни асрарш учун бирлашди. 2006 ва 2010 йилларда Меморандум доирасида ўтказилган анжуманларда биз ҳаракатлар режасини бажаришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга тайёр эканлигимизни билдиридик, бунинг натижасида 2010 йилда анча катта юксалиш қайд этилди. Ҳозирги вактда вазият анча оғир

эканлигига қарамай, бизнинг тажрибамиз, ишга чанкоклигимиз ва кўрсатилаётган институционал ёрдам сайғоқни асрарш чора-тадбирларини амалга ошириш йўлида бирлаштирилган бўлиб, бу мазкур турни асрарш билан боғлиқ вазиятни яна барқарорлаштириш учун зарур.

Биз Шимоли-Фарбий Каспийбўйи ва Устюрт худудида яшайдиган сайғоқ популяциясини асрарш учун нима қилиш кераклигини биламиз, аммо бу жуда мушкул вазифа – браконьерликка барҳам берилиши лозим. Биз бетпакдала популяцияси ҳатто оммавий ўлатдан кейин ҳам анча кўп сонли бўлиб қолишига умид қиласиз. Бу унга мазкур зарбага дош бериш ва тикланиш учун имконият яратади. Қозогистон Ҳукумати ўн йиллик давомида ҚБАУ ва бошқа кўп сонли ташкилотлар ёрдамида сайғоқни асраршга қаратилган бир қатор табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширгани ҳам бунга кўмаклашади. Чўл руҳи – сайғоқ ареалда кейинги ўн йиллик давомида аввалгидек мавжуд бўлишини кафолатлаш учун биз ҳамжамият сифатида муайян конструктив ҳаракатларни бажаришимиз мумкин. Ҳозирча биз Сайғоқни асрарш бўйича ўзаро англашув ҳақидағи Меморандум доирасида ишларни бажаришдаги юксалишни баҳолаш учун навбатдаги учрашувимизни сабр-тоқатсизлик билан кутамиз. Келинг, вазиятнинг мушкулларини ва сайғоқнинг келажагини асрарш учун биргалашиб ишлashingиз кераклигини тан олган ҳолда, умидни йўқотмайлик.



Мўғалистон сайғоқлари подаси


Проф. Э.Ж. Милнер-Гулланд, Сайғоқни асрарш бўйича альянс раиси

## Янгиликлар

### Қозогистонда сайғоқларнинг ўтиш йўллари муҳофаза остига олинди

Брагина Т.М., Кустанай давлат педагогика институти ва Жанубий федерал университет, [tm\\_bragina@mail.ru](mailto:tm_bragina@mail.ru), [tmbragina@sfedu.ru](mailto:tmbragina@sfedu.ru)

Қозогистонда биринчи экологик йўлак 2004 йил Кустанай вилоятида 31 253 гектар майдонда «Наурзум» Жамоатчилик экологик ташкилотининг ташаббуси билан Наурзум табиий қўриқхонасининг сайғоқлар ёзда (айниқса қурғоқчилик йилларида) яшайдиган жойларини бирлаштириши мақсадида ташкил этилди. Экологик тармоқ ва унинг элементлари ҳақидағи тушунча биринчи марта Қозогистон Республикаси қонунчилигига ҚР Қишлоқ хўжалик вазирлигининг Ўрмон ва овчилик хўжалиги қўмитаси томонидан GEF/UNEP/WWF «Марказий Осиёning экоминтақаларида биологик ранг-барангликни узоқ муддат асрарш учун экологик тармоқ (ЭКОНЕТ)ни яратиш» (2003–2006 йиллар) лойиҳаси натижаларига кўра киритилди. Шундан кейин 2012 йилда ҚРнинг «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Қонунига ўзгартириши ва қўшишмалар киритилди. Мазкур Қонунга мувофиқ экологик йўлаклар биологик ранг-барангликни асрарш ва ҳайвонлар кўчиб юрадиган табиий йўлларни муҳофаза қилиши мақсадида алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ва экологик тармоқнинг бошқа элементлари ўтасида макондаги алоқани таъминлаш учун ташкил этилади.



**Харита-схема. Алоҳида муҳофаза этиладиган худуднинг Тўргайдаги тармоғи, шу жумладан “Иргиз-Тўргай-Жиланшик” йўлаги**

2014 йилда Кустанай вилоятида Тўргай, Иргиз ва Улижиланшик дарёлари оралиғидаги яйдоқ чўллар ва шимолий саҳроларнинг экотизимларини, шунингдек минтақанинг кўл ва дарё тизимлари ҳамда Тосинкум қумли массивларини муҳофаза қилиш учун майдони 2 007 582 гектар бўлган «Иргиз-Тўргай-Жиланшик» экологик йўлаги ташкил этилди. У сайғоқ яшаши учун ўта муҳим бўлган «Олтин Дала», «Иргиз-Тўргай» табиий резерватлари ва Тўргай давлат зоологик буюртма қўриқхонаси худудларини бирлаштириди ҳамда бетпакдала популяциясининг кўчиш йўлларида жойлашган. Қозогистон Республикасининг ҳозирги табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигига мувофиқ бу йўлак вилоят маъмурияти бошлиғи (аким)нинг қарори билан таъсис этилди.

Экологик йўлакни ташкил этишдан олдин ГЭФ/БМТРД/Қозогистон Республикаси Ҳукуматининг «Чўл экотизимларини асраш ва барқарор бошқариш» лойиҳаси (Чўл лойиҳаси) доирасида кенг тадқиқотлар ўтказилди ва тайёргарлик ишлари бажарилди, «Иргиз-Тўргай-Жиланшик» йўлагининг чегаралари эса «Қозогистон биологик ранг-баранглигни асраш уюшмаси» кучлари билан амалга оширилган худудни ўрганиш натижаларига кўра белгиланди. Натижада ўсимлик тўшами, ҳайвонот олами, табиий экотизимларга антропоген таъсир даражаси ҳакида кўшимча маълумотлар олинди, сайғоқнинг кўчиди юришига доир маълумотлар умумлаштирилди. Йўлак чегараларини белгилашда Мархан дастурлар пакетидан фойдаланилди.

«Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий худудлар тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ экологик йўлак худудида қўйидаги фаолият турларига йўл қўйилмайди: ифлослантирувчи моддалар ва оқава сувларни атмосферага чиқариш, очиқ сув ҳавзалари ва рельеф сиртига ташлаш, чиқиндиларни жойлаштириш; радиоактив материаллар ва саноат чиқиндиларини кўмиш; ёввойи ҳайвонлар ва ёввойи ўсуви ўсимликларнинг бегона турларини тарқатиш; ер устига ин куриб яшайдиган күшлар бола очадиган даврда ўт ўриш; кенг кўламли тупроқ ишларини бажариш нати-

жасида тупроқ тўшамини бузиш, агар бу авариятиклаш ишларини бажариш, мавжуд транспорт ва муҳандислик-техника коммуникацияларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш билан боғлиқ бўлмаса; дарёлар ва сойларнинг ўзанларини тўғрилаш, уларнинг қисмларида зовурлар ҳосил қилиш, дарёлар ва сув ҳавзаларининг кирғокларини бетонлаш; ўсимликлар, барглар ва қурук ўтни куйдириш; заҳарли химикатлар, ўғитлар, кимёвий реагентлар, ёнилиғи сурков материалларини ҳамда ҳайвонот олами ва улар яшайдиган муҳит учун ҳавфли бўлган бошқа материаллар, хом ашё ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини ҳайвонот олами объектларининг касалланиши ва ҳалок бўлиши, улар яшайдиган муҳит ёмонлашувининг олдини олишни кафолатловчи чора-тадбирларни амалга оширмасдан сақлаш ва қўллаш; ҳайвонларнинг кўчиш йўлларида махсус ўтиш жойлари бўлмаган яхлит тўсиклар ва иншоотлар барпо этиш; дарёлар ёки оқар сув ҳавзаларида қўлтиклар ҳосил қилиш ёки катталиги оқар сув ҳавзаси энининг учдан икки қисмидан ортиқ бўлган тўрлар ўрнатиш; ҳайвонлар насл қолдирадиган даврда алоқа ва электр узатиш тармоқлари остидаги ва қувурйўллар ёқасидаги бутазорларни тозалаш; қишлоқ хўжалик ишларини бажаришда ҳайвонот олами объектларининг оммавий ҳалокати ёки улар яшайдиган муҳитнинг ўзгаришига олиб келадиган технологиялар ва механизмларни қўллаш; экологик йўлак экология тизимларининг гидрологик режимини ўзгаришишга кодир бўлган, табиий сув оқимларининг камайиши ёки барҳам топишига олиб келадиган фаолият (тўғонлар, дамбалар, бошқа гидротехника иншоотлари қуриш); ирригация ва мелиорация иншоотларини ҳайвонот олами объектлари улар орқали эркин ва ҳавфсиз ҳаракатланиши учун шароитларни таъминламасдан яратиш ва улардан фойдаланиш; ҳайвонот олами объектларини ов муддатлари доирасидан ташқарида тақиқланган усуллар ва воситалар билан тутиш; ҳайвонларнинг кўчиши ва болалаши даврида йўлакнинг айрим қисмларида ов объектлари қаторига киритилган ҳайвонларни овлаш (тутиш) билан боғлиқ овчилик-хўжалик фаолияти; мазкур ерларда мавжуд табиий объектларга заар етказадиган бошқа ҳаракатлар; экологик йўлакнинг экология тизимларига заарали таъсир кўрсатишга кодир бўлган бошқа фаолият.

Шундай қилиб, «Иргиз-Тўргай-Жиланшик» йўлаги доирасида ҳам юқорида санаб чиқилган ҳаракатларнинг барчаси тақиқланган, 1 апрелдан 1 июнгача эса сайғоқлар болалайдиган жойларга ташриф буюриш чекланган. Экологик йўлак худудида табиий ресурслардан фойдаланишнинг мақбул турлари овчилик-хўжалик ва рекреацион фаолият, ердан фойдаланиш, табиий ресурслардан экологик йўлакнинг экология тизимларига салбий таъсир кўрсатмайдиган тарзда фойдаланишdir. «Иргиз-Тўргай-Жиланшик» экологик йўлагининг ташкил этилиши сайғоқни муҳофаза қилишга, минтақа табиий экотизимларини тиклаш ва асрашга кўмаклашади.

# Махаллий ахолидан олинган ахборот Мўғулистонда браконьерлик даражасини пасайтиришга ёрдам бермоқда

Буяна Чимеддорж, WWF Мўғулистон, [chimeddorj@wwf.mn](mailto:chimeddorj@wwf.mn)

Ўзаро англаш тўғрисидаги меморандумни бажариш доирасида WWF Мўғулистон ғайриқонуний овчиликка барҳам бериш учун полициянинг турли бўлинмалари билан ҳамкорлик қилаёттир. Бу борадаги иш натижасида жойларда браконьерлар гурухлари фаолиятини аниқлаш ва тўхтатиш борасида мувваффақиятларга эришилмоқда. Яқинда махаллий ахолидан олинган ахборот полиция ходимларига сайғоқ шохларини сотмоқчи бўлган жиноятчиларни ушлашга ёрдам берди. Бу жиноят учун 2014 йилнинг октябрiddан бошлаб 20-30 ёшдаги ўн нафар эркакка нисбатан тергов ишлари олиб борилмоқда. Тез орада иш судга оширилади. Полиция хабарига кўра, жиноятчилар сайғоқ шохларини кейинчалик Хитойда пуллаш учун Россиядан қонунга хилоф равишда олиб киргандар. Жами 162 та шох олиб кўйилди ва бу 81 бош сайғоқ нобуд бўлганини англатади. Ёввойи табиатга карши жиноятлар янада мураккаб ва пухта уюштирилган тус олмоқдаки, бу ёввойи табиатни асрашга салбий таъсир кўрсатмоқда.



WWF Мўғулистон фотоси

Мусодара килинган сайғоқ шохлари

## Сайғоқсиз чўл сутсиз қалмиқ чойини эслатади

Наталья Шивалдова, «Ekomaktab» экология ресурс маркази, [nshivaldova@mail.ru](mailto:nshivaldova@mail.ru)



Александор Еспиров фотоси

### Семинар қатнашчилари Ёввойи ҳайвонлар марказида

2014 йил кузда Қалмиқистон Республикаси Ёввойи ҳайвонлар марказида «Сайғоқни асраш тадбирлари жамоатчилик билан ҳамкорликда» ҳалқаро семинари бўлиб ўтди. Анжуманда Ўзбекистон, Қозогистон ва Россиядаги Чўл клубарининг раҳбарлари,

шунингдек ҳалқаро эксперклар – Сайғоқни асраш бўйича альянс (SCA) ва Британия PTES жамғармаси вакиллари, сайғоқни асраш масалалари билан шуғулланувчи олимлар иштирок этдилар.

Чўл клублари ўз шаклланиш босқичидан ўтган (SN нашрининг аввалги сонларига қаранг), табиатни муҳофаза қилиш идоралари ва маъмурий тузилмалар билан алоқаларни йўлга қўйган, махаллий ахолига ахборот бериш ва сайғоқни муҳофаза қилиш учун жамоатчилик фикрини шакллантириш борасида фаол иш олиб бормоқда. Ҳозирги босқичда клубларни янада ривожлантириш стратегиясини ва яқин келажак учун мўлжалланган асосий вазифаларини муҳокама қилиш, тажриба алмашиш, кенг кўламли режаларни «умумий маҳраж»га келтириш зарурати туғилди.

Ҳалқаро семинарнинг дастлабки икки куни чўл клублари ташкил топган пайтдан бошлаб бажарилган ишлар ҳажми билан танишишига бағишлианди. Ўзбекистоннинг Жаслик шаҳарчасидаги «Акбокен» чўл клуби аъзолари ўзлари амалга оширган фаолиятга бағишлиланган видеолавҳаларни намойиш этдилар. Қозогистон, Россия ва Ўзбекистондан келган табиатни муҳофаза қилиш соҳасида ёш мутахассислар танлови ғолиблари ўз экологик лойиҳаларининг тақдимотини ўтказдилар. Натижада анжуман энг яхши амалиётлар, иш услублари ва ёндашувларни айирбошлиш бўйича ўзига хос «устахона»га айланди. Ҳар бир чўл клуби ўзининг бетақрор қирралари мавжудлигини намойиш этди. Масалан, Қозогистон чўлларидағи клублар экологик флэш-мобларда иштирок этдилар, қўғирчоқ театри томошаларини ҳамда фотосуратлар ва плакатларнинг кўчма кўргазмаларини ташкил этадилар.

## Табиатга дүст бўлиб киринг

Халқаро семинарнинг кўчма қисми Яшкуль шаҳарасига ташрифдан бошланди. У ерда гимназия мактаби негизида, ҚР Ёввойи ҳайвонлар марказининг иштироки ва яқин ёрдами билан «Жонли мерос» чўл клуби фаол иш олиб бормоқда.



Карлин Салзурев фотоси

### Қалмиқларнинг меҳмонларни кутиб олиш анъанавий маросимни

Мазкур клуб аъзолари ўз Уставини тасдиқлағанлар, келажак учун ҳаракатлар дастурини қабул қилғанлар. Уларнинг ҳатто ҳимоясиз жажжи сайғоқ акси туширилган ўз эмблемаси ҳам бор. Яқинда «Жонли мерос» чўл клубининг «укаси» - «БамбЦеңг» чўл клуби пайдо бўлди. Чўл клубларининг табиатни муҳофаза қилиш ва маърифий фаолияти замирида Қалмиқистонда сайғоқни муҳофаза қилиш бўйича мамлакатдаги биринчи маҳсус отрядни бошқарган ва чўлда браконьерлар ўқидан ҳалок бўлган биологовшунос олим Улдис Кнақиснинг ёрқин тимсоли ётади. Мазкур нуфузли қаҳрамон ёш авлодни тарбиялаш ишининг мустахкам «пойдевори»дир.

«Жонли мерос» ва «БамбЦеңг» чўл клубларида новатор мураббийлар Самтанова Е.А ва Бюрчиева Д.А. кўпгина ваколатларни болаларга беришдан чўчимайдилар. Сайғоқнинг чўллар экотизими ва қалмиқ ҳалқи ҳаёти, ҳалқ оғзаки ижоди ва анъаналаридаги ўрни ва аҳамиятини ўрганишга доир тадқиқотлар айнан мактаб ўқувчиларининг кучлари билан ўтказилди. «Жонли мерос» клуби фаоллари Улдис Кнақиснинг ҳаёти ва табиатни муҳофаза қилиш бора-сидаги фаолияти ҳақида ноёб материал тўпладилар. Тадқиқотлар асосида оғзаки журнал тайёрланди ва у ҳам халқаро семинар қатнашчиларига намойиш этилди. «Сайғоқ – мамонтлар тенгдоши», «Қалмиқ чўли тимсоли» сингари ва бошқа эко-лекторийлар шаҳарча аҳолисининг эътиборини қозонган.


## Сайғоқлар – йўқолиб бораётган гўзаллик

Бизнинг микроавтобус қишлоқ йўли бўйлаб «Яшкуль» парваришихонасига кетмоқда. Яйдоқ дала-лар, кенг вольерлар ва анжуман қатнашчиларининг сайғоқлар билан биринчи учрашувлари. Хуркович ва эҳтиёткор сайғоқлар меҳмонлардан хуркиб, вольернинг орқа қисмига кириб кетадилар. Меҳмонлар фанат «Кичкинтой» лақабли сайғоқ боласи билан бево-

сита мулоқот қиласидилар. Кичкинтой қўлга ўрганган бўлиб, ўзини силаш ва суратга олишга имкон беради. Айрим иштирокчилар сайғоқ билан биринчи марта бундай яқин алоқа қилмоқдалар. Парваришихонада Шимоли-Ғарбий Каспийбўйида сайғоқни асраш муаммоларини ечиш бўйича кенг кўламли иш олиб



борилмоқда. Мазкур ишлар мажмуи ҳам илмий ишланмаларни, ҳам ҳайвонларни эрксизлик шароитида етиштириш бўйича амалий натижаларни жорий этишни ўз ичига олади.



### Ҳамманинг ёқимтойи – Кичкинтой лақабли сайғоқ боласи

Эртаси куни биз Астрахан чўлларининг қоқ марказида жойлашган «Степной» буюртма қўриқхонасига йўл оламиз. Сайғоқларни қўриш илинжида узоққа кўз тикамиз. Йўлнинг ўртасида бизни қўриқхона директори Владимир Калников кутиб олади ва қўриқхона ичкарисига бошлайди. Тез орада биз жуда яқин масофада сайғоқларга дуч келамиз. Улар ўз ортидан қуюқ чанг пардасини ҳосил қилиб чўл бўйлаб югурадиар. Қўриқхона ходимларининг сўзларига қараганда, бу табиий гўзалликни асраш учун браконьерлар билан аёвсиз жанг олиб боришига тўғри келмоқда. Инспекторлар дам олиш куни ёки байрам нималигини билмайдилар, улар ҳар лаҳзада табиатни муҳофаза қилишга шайдирлар. Кейин биз кўчма лағерга келдик ва бу ерда «Степной» буюртма қўриқхонасининг аҳил жамоаси билан танишиш имкониятига

эга бўлдик. Ўзбекистонлик вакиллар учун бу мулоқот айниқса долзарб аҳамият касб этиди, зеро мамлакатда «Сайгачий» ландшафт комплекс буюртма кўриқхонасини ташкил этиш учун база яратилган. Шу туфайли ҳам сайгоқни муҳофаза қилиш ва асрар ишини ташкил этиш борасидаги тажриба, ҳеч шубҳасиз, ноёбдир. Яшкулдаги «Жонли мерос» чўл клубининг раҳбари Евгения Самтанова эса кўшнилар билан алоқа ўрнатмоқда ва яқин келажак учун клуб аъзолари

**Тахририятдан.** Семинаримиз ўтгандан кейинги даврда Марказда, минг афсуски, салбий ўзгаришлар юз берди (куйида қаранг). Фожиали воқеалар натижасида бизнинг ёқимтойимиз – Кичкинтоя лақабли сайгоқ боласи тирик қолганми-йўқми, агар тирик қолган бўлса, у биз билан келгуси учрашувлагача яшаб қоладими-йўқми – бизга қоронеги...

## Қозоғистонда «Сайгоқ – қозоқ чўли тимсоли» биринчи республика болалар танлови бўлиб ўтди

Аксартова Жанна, Тонкобаева Алия, АСБК, [zhanna.aksartova@acb.kz](mailto:zhanna.aksartova@acb.kz)

Олти ёшдан ўн беш ёшгача бўлган болалар сайгоққа, унинг ўзини ҳам, у яшайдиган жойларни ҳам авайлаб асраршга бағишланган шеърлар, расмлар, илмий ишлар, бадиа ва видеороликларни танловга юбордилар. Бизга Қозоғистоннинг 13 вилоятидан ишлар келди. Танловда 50 туман, 23 шаҳар ва 180 шаҳарчадан болалар иштирок этдилар! Шимолий Қозоғистон ва Атирау вилоятларидан айниқса кўп ишлар келди.



Болаларнинг танловга келган ишлари

«Сайгоқ тасвирланган расм» номинацияси айниқса кўп сонли бўлди – унга 1200 дан зиёд иш келди. Голиб ишлардан Қозоғистон биоранг-барангликни асрар уюшмаси (ҚБАУ) табиатни муҳофаза қилишга қаратилган турли лойиҳалар доирасида экологик таълим ва маърифий мақсадларда фойдаланади. 2015 йилда ҚБАУ танлов иштирокчиларининг энг яхши шеърлари тўпламини чоп этиш ва энг яхши расмлар кўргазмасини ташкил этишни режалаштироқда.

иштироқида кўшма тадбирларни мухокама қилмоқда.

Халқаро семинар якунлари ҳакида гапирганда, Қалмиқистон Республикаси Ёввойи ҳайвонлар маркази директори Юрий Ариловнинг қўйидаги сўзлари беихтиёр ёдимизга тушади: «Сайгоқни асрар кенг кўламли муаммо бўлиб, у қўриқлаш тузилмалари, қонунчилик базаси, таълим ва маориф тизимини ўз ичига олади. Бу ноёб ҳайвоннинг тақдиди ва чўл равнақи бизнинг қўлимиизда».

**Марказда, минг афсуски, салбий ўзгаришлар юз берди (куйида қаранг). Фожиали воқеалар натижасида бизнинг ёқимтойимиз – Кичкинтоя лақабли сайгоқ боласи тирик қолганми-йўқми, агар тирик қолган бўлса, у биз билан келгуси учрашувлагача яшаб қоладими-йўқми – бизга қоронеги...**



Энг яхши ишни танлаш осон эмас!

Танлов жюриси қарорига биноан етти номинацияда ғолиб деб топилган ишлар учун битта олий мукофот (гран-при) берилди ва 24 совринли ўрин ажратилди. Бундан ташқари, яна юз нафар қатнашчи рағбатлантирувчи мукофотлар билан тақдирланди! Танловга ўз ишларини юборган ва уларга иштироқчи аризасини илова қилган болаларнинг барчаси ташаккурномалар, сайгоқ тасвири туширилган кўкрак нишонлари ҳамда ҳайвонот оламининг мазкур вакили ҳакида хикоя қилувчи комикслар ва постерларни олдилар.

ҚБАУ ўз тарбияланувчилари ва фарзандларининг «Сайгоқ – қозоқ чўли тимсоли» танловида қатнашиш ниятини қўллаб-қувватлаган барча ўқитувчилар ва ота-оналарга ўз миннатдорчилигини изхор этади!

# «Кўчиб юрувчи ҳайвонлар куни» - табиатга яқин бўлиш учун яна бир асос

Наталья Шивалдова, «Ekomaktab» экология ресурс маркази, [nshivaldova@mail.ru](mailto:nshivaldova@mail.ru)

Ҳайвонот оламининг турли-туман вакиллари вақти-вақти билан фақат тур сифатида яшаб қолиши учун хавфли ва силлани қуритадиган саёҳатга отланади. Кўчиб юрувчи ҳайвонлар ўз йўлида жуда кўп хавф-хатарлар ва тўсиқларга дуч келади. Бу хавф-хатар ва тўсиқларнинг аксарияти сунъий равишда, инсон қўли билан яратилган. Сайгок – узоқ масофага кўчиши бўйича тан олинган чемпионлардан бири.

Яқин вақтгача энг узун мавсумий кўчиши йўлини Устюрт популяциясига мансуб бўлган сайгоқлар босиб ўтар эдилар. Кузда сайгоқлар Қозоғистон чўлларидан Ўзбекистонда жойлашган қишики яйловларга келар, баҳорда яна Қозоғистон шимолидаги чўлларга қайтардилар. Қор қоплонлари ҳам ўз ўлжаси – тог эчкилари ортидан тогу тошлар бўйлаб кўчади, мавсум давомида Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон ва Қозоғистон чегарасини кесиб ўтади. Бухоро буғилари Амударёнинг бир қирғоғидан бошқа қирғоғига, Ўзбекистон худудидан Туркманистон худудига кўчиб ўтади ва сўнг яна ортга қайтиб келади. Бу ҳайвонларнинг бундай ҳаракатларига нима сабаб бўлади? Нима уларни бундай узун, баъзан ҳаёт учун хавфли саёҳатларга чиқишига мажбур этади? Ҳайвонларнинг кўчиб юриши яшаш шароитининг ўзгаришлари билан белгиланади. Ем тақчиллиги, паст температуralар, кўпайиш учун кулаги жойларни топиш ва бошқа сабаблар ҳайвонларни ҳаво, куруқлик ёки сув бўйлаб кўплаб километр йўл босишга мажбур этади.

2014 йилнинг октябрида Нукус шаҳри ва Устюрт мактабларида Кўчиб юрувчи ҳайвонлар кунига бағишлиланган экология байрами бўлиб ўтди. Бу байрамга пухта тайёргарлик кўрилди. Хусусан, чўл клублари аъзоси бўлган болалар денгиз тошбақаси, кит, Монарх капалаги ва, албатта, сайгоқ, бухоро буғиси, қор қоплони сингари кўчиб юрувчи ҳайвонларнинг энг узун йўллари акс эттирилган плакатларни тайёрладилар. Болалар кўчиб юрувчи ҳайвонлар оламидан ўзига айниқса ёқадиган персонажни танлаб, уларнинг тасвири туширилган никобларни ҳам ясадилар. Ниқоблар тайёр бўлгач, ёш экологлар методист ва тўғарак раҳбарлари бошчилигига ўз персонажи ҳақида керакли маълумотларни топдилар ва мини-спек-



Елена Бикова фотоси

## Сайгоқлар маликаси образини яратиш

таклни repetitsiya килишга киришдилар.

Эртаси куни, тонгда мактабга кираётган ҳар бир одам плакатни кўриши ва кўчиб юрувчи ҳайвонлар тўғрисида қизиқарли маълумотларни ўқиш имкониятига эга бўлди. Чўл клуби аъзоси бўлган юқори синф ўқувчилари бошланғич мактабдаги кичкинтоилар хузурига Сайгоқлар қироли ёки Маликаси образларида, кўчиб юрувчи ҳайвонларнинг дўстлари кузатувида меҳмонга келдилар ва бундай ҳайвонларга бағишлиланган 5-10 минутли томошалар кўрсатдилар. Бу нафақат кичкинтоилар, балки юқори синф ўқувчилари учун ҳам эсда қоладиган, ёрқин воқеага айланди. Ахир билимни мустаҳкамлашнинг энг яхши йўли – уни бош-



«Умид» чўл клуби аъзолари Кўчиб юрувчи ҳайвонлар кунида

Оля Есанова фотоси



Күчіб юрувчи ҳайвонлар образида репетиция

қалар билан ўртоқлашиш. «Тенг – Тенгга» методикасининг моҳияти ҳам шунда. Бошланғич синфларга антиқа мөхмөнлар ташриф буюрганидан кейин қизикувчанликнинг янада онгли, иккинчи түлкени бошланди. Яна болалар плакат каршисида уни ўқиш учун навбатга туришди. Улар ўзига хос тарзда ифодаланган янги маълумотларни узоқ муҳокама қилишди. Ҳайрон бўлиши, ҳайратга тушишди. Тирик мавжудотлар яшаш учун кураш жараёнида дуч келадиган қийинчиликлардан хабар топиши. Уларнинг олдига табиатнинг ўзи меҳмонга келгандек, улар учун янада яқин ва тушунарли бўлгандек таассурот қолди.

## Қалмиқистонда Улдис Кнакис хотираси ёд олинди

Айгуль Айтбаева, Қалмиқистон Республикаси Ёввойи ҳайвонлар маркази, [aigul-0889@mail.ru](mailto:aigul-0889@mail.ru)

Сайгоқни асраш ишига ўз ҳәётини бахшида этган биолог-овшунос олим Улдис Карлович Кнакиснинг тақдирни ҳақида биз илгари ёзган эдик (SN-12 га қаранг). Эслатиб ўтамиш – Улдис Кнакис 1939 йил Латвия ССРнинг Цессин туманида туғилган. Иркутск кишилук хўжалик институтини биолог-овшунос ихтинослиги бўйича аъло баҳоларга тамомлаган, сўнг (1964 йилда) Астрахан Давлат саноат хўжалиги бошкармасига Қалмиқистон АССР ҳудудида сайгоқни муҳофаза қилиш бўйича егерлик хизмати бошлиғи лавозимига ишга юборилган. 1966 йилда Улдис Карлович Қалмиқистон АССР Вазирлар Кенгashi ҳузуридаги Давлат овчилик инспекциясига катта овшунос лавозимига ишга ўтган, 1969 йилдан бошлаб сайгоқни муҳофаза қилиш учун махсус тузилган отрядни бошқарган. Сайгоқни муҳофаза қилиш бўйича фидокорона мөҳнати учун У. Кнакис бир катор хукумат мукофотлари билан тақдирланган.

2014 йил 26 сентябрда Улдис Карлович қалмик чўлларида браконьерлик қилаётган шахсларнинг мудхиш ўқидан ҳалок бўлганига 44 йил тўлди. Унинг туғилган кунига роппа-роса бир ҳафта қолган эди – 1970 йил 3 октябрда Улдис Кнакис 31 ёшга тўлган бўларди. Унинг ҳалок бўлгани ҳақидаги хабар жамоатчиликни жунбушга келтирди, бироқ, афсуски, хукуқни муҳофаза қилиш идоралари қотилни топа олмадилар. Улдис Карлович фожиали ҳалок бўлган жойда кўп ўтмай ёдгорлик ўрнатилди. Бу ёдгорлик Қалмиқистон Республикасининг Юстин туманида жойлашган.

2014 йил 12 сентябрда Яшқуль кўп тармоқли гимназиясида «Жонли мерос» чўл клуби аъзоларининг Улдис Кнакис хотирасига бағищланган очик мажлиси бўлиб ўтди. «Инсоннинг табиатни муҳофаза қилиш йўлидаги жасорати» мавзусига бағищланган бу мажлиса Сайгоқни асраш бўйича альянс, Британиянинг PTES жамғармаси, Қозоғистон биорангбарангликни асраш уюшмаси вакиллари, шунингдек Қозоғистон ва Ўзбекистондаги болалар чўл клубларининг раҳбарлари ва ўқитувчилари иштирок этдилар.

Қаҳрамоннинг хотира куни – 2014 йил 26 сентябрда Қалмиқистон Республикаси Ёввойи ҳайвонлар маркази директори профессор Ю.Н. Арилов, ҚР Табиатни муҳофаза қилиш вазирлиги овчилик назорати бўлнимининг инспекторлари В.Л-Г. Дорджиев ва В.Г. Левашов, Россияда хизмат кўрсатган ўқитувчи, Яшқуль кўп тармоқли гимназиясининг биология ўқитувчиси, «Жонли мерос» клубининг раҳбари Е.А. Самтанова, ўқувчилар – «Жонли мерос» чўл клуби аъзоларидан иборат гурух У. Кнакис фожиали ҳалок бўлган жойга келди. Шу куни ёдгорлик атрофидаги худуд тозаланди ва ёдгорликни косметик таъмирлаш ишлари бажарилди. Ёдгорлик олдида ўтказилган кичик митинг чоғида сўзга чиққанлар У. Кнакиснинг жасорати ҳақида ва сайгоқни асраш бўйича ишларнинг ҳозирги ҳолати тўғрисида гапирдилар. Митинг бир дақиқа сукут сақлаш билан яқунланди.

Улдис Кнакис хотираси, унинг соғ виждони, жонли табиатга бўлган чексиз муҳаббати, ўз хизмат бурчи ва танлаган касбига бўлган садоқати авлодлар қалбида абадий сақланади.



Ч. Пиреков фотоси

Улдис Кнакис ёдгорлиги олдида

# Қалмиқистон Республикасининг Ёввойи ҳайвонлар маркази оғир даврни бошдан кечирмоқда



## Ёввойи ҳайвонлар маркази қароргохи серқор кишида

SN нашрининг биринчи сонидан (2006 й.) бошлаб биз ўз ўқувчиларимизни Қалмиқистон Республикасининг Ёввойи ҳайвонлар маркази фаолияти, унинг ихтисослашган парваришхонаси – сайғоқни эрксизлик шароитида кўпайтириш ва саклаш ишининг «пионери» билан таништириб келамиз, ҳам илмий изланышлар, ҳам экологик таълим соҳасида эришилган ютуқлар ҳақида ҳикоя қиласиз. Ўз фаолият йиллари давомида Марказ нафакат Қалмиқистон Республикасининг ўзига хос тимсолига, балки бир қатор ҳалқаро лойиҳалар ўтказиладиган, шунингдек ёш авлод билан иш олиб бориладиган жойга ҳам айланди. Қалмиқистон пойтахти – Элиста яқинида жойлашган «Яшкуль» парваришхонасига ҳар йили дунёning турли



Фото ЁХМ архивидан

## Олинган билимлар кувончи

бурчакларидан юзлаб одамлар ташриф буюради.

2014 йилнинг баҳоридан бошлаб Марказнинг боши мусибатдан чиқмай қолди – аввал сайғоқлар учун емга ажратиладиган маблағлар қисқартирилди, сўнг Марказни тутатиш ҳавфи пайдо бўлди, кейин аниқланмаган сабабларга кўра вольердаги сайғоқлар нобуд бўла бошлади. 2014 йил октябрда Қалмиқистон Республикаси Ҳукумати ўз бюджет харажатларини оптималлаштиришга қарор қилди ва Марказнинг тутатилиши ҳавфи реал тус олди.

РФ Жамоатчилик Палатаси аъзолари ва Марказ тақдирига бефарқ бўлмаган фуқаролар РФ Табиий ресурслар ва экология Вазири С.Е. Донскойга мурожаатномага имзо қўйдилар. Кўучиб юрувчи ҳайвонлар бўйича конвенция (CMS) Котибияти ҳам Марказ ва унинг ноёб парваришхонаси тақдиридан ташвишда эканлигини билдириди. Сайғоқни асраш бўйича альянс ҳам бир чеккада кўл қовуштириб тургани йўқ – у РФ Табиий ресурслар ва экология вазирлигига Сайғоқни асраш, тиклаш ва ундан барқарор фойдаланиш бора-сида ўзаро англаш тўғрисидаги меморандумни бажариш учун масъул мансабдор шахс номига Марказни кўллаб-куватлашга қаратилган хат юборди.

Хўш, Марказ тақдири қандай кечади? Бир неча ой муқаддам, Россияда сайғоқ «овчилик» тури ҳисобланган даврда, Ёввойи ҳайвонлар маркази давлат тажрибавий овчилик хўжалиги сифатида федерал даражага берилишига умид қилиш, шу хўжалик доирасида Марказ қарийб 15 йил давомида бажариб келган ишларни давом эттириш мумкин эди. Аммо яқинда Қалмиқистон Республикаси Ҳукумати сайғоқни Республика Қизил китобига киритиш тўғрисида қарор қабул қилгани боис (бу Ёввойи ҳайвонлар маркази ўзининг ноёб сайғоқлар парваришхонаси билан бирга тутатилганидан кейин КР Ҳукумати жамоатчилик кўз ўнгидаги ўзини «оқлаш» учун қабул қилган энг яхши қарор бўлди), сайғоқ «овчилик» турлари қаторидан ўз-ўзидан чикади ва бу, умуман олганда, Россия ҳудудида юзага келган вазият нуқтаи назаридан тўғри. Шундай килиб, Марказ «муаллақ осилган» ҳолатда қолди. РФ Табиий ресурслар ва экология вазирлиги амалдорлари билан узоқ давом этган ва оғир музокаралардан кейин ҳозирги вақтда Марказ ўз вольерлар мажмуи билан йўқ килиб ташланмаслиги, балки «Қора тупроқлар» давлат табиий биосфера кўриқхонаси ихтиёрига ташриф маркази сифатида появилась надежда, что Центр с его вольерным, аммо тажриба ишларини давом эттириш имкониятлари билан берилишига умид пайдо бўлди. Ҳар қалай, яқинда тайинланган Кўриқхона директори Батаар Иванович Убушаев ўзи ва ходимлар олдига шундай вазифани кўймоқда. Фурсатдан фойдаланиб биз Б.И. Убушаевга унинг ҳам сайғоқни, ҳам минтақанинг «Қора тупроқлар» экотизимларидаги биологик ранг-барангликни асраш бўйича оғир, лекин хайрли ишида муваффақиятлар тилаймиз.

Шунингдек, биз Марказни Кўриқхона ихтиёрига ўтказиш бўйича барча расмиятчиликлар бажарилишига ва тез орада Марказ яна очилгани ҳақидаги хабарни эшишишга умид қиласиз!

**Марказ ҳақида батафсил маълумот олиш учун қаранг:**

<http://kalmsaiga.com/saiga.php>,  
<http://www.drive2.ru/l/1237815/>

**Юзага келган вазият билан атрофлича танишиш учун қаранг:**

<http://www.elista.org/>  
<https://www.ridus.ru/news/181705>  
<http://dni.ru/bloggers/2015/3/26/298952.html>

**CMS мурожаатномаси билан танишиш учун қаранг:**

<http://www.cms.int/en/news/devastating-blow-captive-breeding-efforts-critically-endangered-saiga-antelope>



Фото: ЕХМ архивидан

Қиша қўшимча емсиз яшаб бўлмайди

## Матбуотдан

### Сайгоқ Қалмиқистон Қизил китобига киритилди

Қалмиқистон Республикаси Ҳукуматининг 2015 йил 10 мартағи 86-сон Қарори билан сайгоқ Республика Қизил китобига киритилди. Бу Қарор сўнгги йилларда Шимоли-Ғарбий Каспийбўйи худудида яшайдиган сайгоқ популяцияси билан юзага келган вазият туфайли ҚР Табиатни муҳофаза килиш вазирлигининг ташаббуси билан қабул қилинди. Экспертларнинг баҳолашларига кўра, ўтган йилнинг декабрида, сайгоқларнинг куйикиш даврида, популяция сони тахминан тўрт минг бошни ташкил этган. Айни вактда, жинсий стилган эркак сайгоқлар жуда кам.

**Батафсилроқ қаранг:** <http://kalmpriroda.ru/n476.html>

### Қозогистонда сайгоқларнинг оммавий қирилиши

ОАВда берилган кўп сонли хабарларга кўра, Қозогистонда бетпақдала популяцияси сайгоқларининг оммавий қирилиши юз берган ва бу сайгоқнинг ҳам республикадаги, ҳам халқаро дарражадаги ҳолатида акс этган. Қозогистон Ҳукумати оммавий ўлат масалаларини ўрганиш бўйича комиссия тузган. Сайгоқларнинг касалликлари ва экологиясини ўрганиш, популяциялар ҳолатининг мониторингини олиб бориш бўйича жамғарма ташкил этиш режалаштирилмоқда. Ҳайвонлар саломатлиги бутунжаҳон ташкилотининг охирги расмий маълумотларига кўра, 2015 йил 5 июнгача 134 252 сайгоқ ҳалок бўлган, аммо ҳалок бўлган сайгоқлар сони кўпайиши кутилмоқда.



# Мақолалар

## Астрахань вилоятидаги «Степной» буюртма қўриқхонаси худудида сайғоқ мониторинги

Владимир Калмиков, Астрахань вилоятининг «Степной» буюртма қўриқхонаси, [f6o7k8u9c0@rambler.ru](mailto:f6o7k8u9c0@rambler.ru)

Шимоли-Ғарбий Каспийбўйи худудида яшовчи сайғоқлар гурухи сўнгги 20 йил давомида депрессия ҳолатини бошдан кечирмоқда. Бу 2013 йил июлда сайғоқ ғайриқонуний овлаш, сақлаш, эгаллаш, ташиш, жўнатиш ва сотиш учун Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 258-1-моддасига мувофиқ жиноий жавобгарлик келиб чиқадиган ўта ноёб ёввойи ҳайвонлар ва бошқа биологик ресурслар рўйхатига киритилиши учун асос бўлиб хизмат килди.


2014 йилда бизнинг Кўриқхонамиз Сайғоқни асраш бўйича альянс кичик грантлар дастури доирасида АҚШ Балиқчилик ва ов маҳсулотлари хизмати мадади билан ўтказилган танлов ғолиби бўлди. Грант «Степной» буюртма қўриқхонаси худудида яшовчи сайғоқлар гурухи мониторингини бутун йил давомида ўтказиш, сўнг подаларнинг тақсимланиши, сони, жинс ва ёш таркибига доир ахборотни ўз ичига олган маълумотлар базасини яратиш учун материалларга ишлов бериш, шунингдек хозирги маълумотларни ўн йил олдин тўпланган маълумотлар билан солишириш учун олинди.

Мазкур ёрдам натижасида Кўриқхона ходимлари учун УАЗ-Хантер автомобили сотиб олинди ва у ҳайвонларни рўйхатга олиш ишини анча енгиллаштириди. Мониторингни ўтказиш учун асос сифатида ўн йил олдин Лондон Империя коллежи мутахассислари раҳбарлигига ва Дарвин ташаббуси мадади билан амалга оширилган «Қишлоқ аҳолисининг фаровонлигини яхшилаш учун сайғоқни муҳофаза килишдан фойдаланиш» лойиҳаси доирасида ишлаб чиқилган сайғоқ мониторингини бутун йил давомида ўтказиш схемасидан фойдаланилди.

2014 йилда кузатувлар 168 кун мобайнода олиб борилди, жами 182 кузатувлар варакчалари тўлдирилди. Ҳаммаси бўлиб сайғоқлар билан 926 учрашув қайд этилди (ўрта хисобда ҳар бир учрашувда 119.41 сайғоқ).



«Степной» буюртма қўриқхонаси ходимлари кузатувлар ўтказиш пайтида



Галина Калмикова фотоси

### Шу минорадан «Степной» буюртма қўриқхонасининг катта худуди кафтдек кўриниб туради

Тўпланган маълумотларга кўра, сайғоқлар «Степной» буюртма қўриқхонаси худудида у ёки бу микдорда деярли бутун йил давомида яшайди. Кутилганидек, сайғоқнинг энг йирик подалари куйикиш (ноябрь-декабрь) ва туғиши (апрель-май) даврларида учрайди. Туғиши давридан кейин, ёзнинг ўрталарида сайғоқлар майда гурухларга ажралади ва Кўриқхона худуди бўйлаб тарқалади, айримлари эса ундан ташкарига, Кўриқхона ходимларининг ваколатлари татбиқ этилмайдиган худудларга ҳам чиқади.

Материаллар таҳлили эркак сайғоқлар ёз ойларида жуда кам учраганини кўрсатади (тахминан 1.5 %), бунда уларнинг деярли ҳаммаси 2013 йилда луғилган сайғоқлар бўлган. Куйикиш даврининг бошига келиб эркак сайғоқлар сони анча кисқарган (0.1 % гача) ва бу Шимоли-Ғарбий Каспийбўйидаги сайғоқлар гуруҳининг ҳолати ҳақида жиддий ташвиш уйготади. Кўриқхона худудидан ташкарида сайғоққа нисбатан браконьерлик давом этаётганидан браконьерлик фаолияти излари (пойга мотоциклларининг излари, ҳайвонларнинг шохлари кесиб олинган ташландик бошлари ва бошқ.)нинг тез-тез топилиши далолат беради.

2014 йил маълумотларининг 2003-2008 йиллар маълумотлари билан қиёсий таҳлили Шимоли-Ғарбий Каспийбўйи худудида сайғоқлар сони сезиларли дара-

жада кисқарганини күрсатади. 2007 йилда туғиши даврида ўн беш мингга яқин, күйикиш даврида эса – ии-гирма мингга яқин сайғоқ тұпланған бўлса, 2014 йилда бу ракам тегишли равища 4500 ва 2000 бошдан ошгани йўқ. Подаларнинг сон жиҳатидан тақсимланиш хусусияти охирги 10 йил ичидаги унча ўзгармаган, аммо йирик подалар билан учрашувлар сони кисқарган. 2003-2008 йилларда 50 бошгача бўлган подалар билан учрашувлар сони 59.1 % ни, 51 бошдан 500 бошгача бўлган подалар билан учрашувлар сони 33.7 % ни, 500 бошдан ортиқ подалар билан учрашувлар сони эса 7.4 % ни ташкил этган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткичлар тегишли равища 59.5 %, 36.5 % ва 4 % ни ташкил этган.

Шимоли-Ғарбий Каспийбўйи худудида яшайдиган сайғоқлар гурӯҳи сонининг қисқариши сабабларидан бири эркак сайғоқлар улушининг 2003-2008 йилларда 3.6 % дан 2014 йилда 1.5 % гача камайиши бўлса керак, бунда күйикиш даврида гурӯҳда эркак сайғоқлар улуши 2003-2008 йилларда атиги 0.7 % ни (ўртacha кўрсаткич) 2014 йилда 0.1 % ни ташкил этган.

Сўнгги 10 йил давомида сайғоқнинг күйикиши ва туғиши деярли ҳар йили «Степной» қўриқхонаси худудида юз берәтири. Аммо, 2003-2008 йилларда сайғоқлар Кўриқхонанинг шимоли-ғарби («Волга» дараси)да ғуж бўлиб яшаган бўлса, 2014 йилда улар марказга («Никольское» дарасига) кўчди. Сўнгги 10 йил ичидаги күйикиш ва туғиши жойларининг бундай ўзгариши Кўриқхона худудидан ташқаридаги нотинчлик омиллари билан боғлиқ бўлса керак. Масалан, қўшни худудларда чорвачилик қўналгалари сонининг кўпайиши ва йириклишуви, шунингдек Кўриқхона худудидан ташқарида тез-тез содир бўладиган ёнгинлар билан. Баъзан кучли шамоллар туфайли ёнгинлар Кўриқхона худудига

ҳам ўтади, лекин инспекторлар иши пухта ташкил этилгани уларни тез ўчириш имконини беради.

2014 йилги кузатишлар даврида сайғоқларни бўри тортиб кетиши ҳоллари 7 марта қайд этилди ва бу тадқик этилаётган худудда сайғоқларнинг яшовчалигига бўрилар таъсири унса кучли эмаслигидан далолат беради.

Қўриқхонада муҳофаза қилиш ва мониторинг ишлари билан нафақат сайғоқ, балки «Степной»да яшовчи барча ҳайвонлар камраб олинган. Хусусан, Кўриқхонада биоранг-барангликни асраш ва кузатувлар ўтказишни яхшилаш учун биз ҳомийларнинг пул маблағларини жалб этиш ва Никольское дараси худудида 15 метрли минора куришга муваффақ бўлдик. Кўриқхона ходимлари ёнфинга қарши тадбирларни ҳам амалга оширадилар, шу жумладан йўлларни тозалайдилар ва минераллаштирилган йўлаклар ташкил этадилар; сайғоқлар ва бошқа ҳайвонлар сув ичгани келадиган артезиан қудукларини ишга шай ҳолатда сакладилар; йиртқич кушлар учун сунъий инлар ўрнатадилар; маҳаллий аҳоли ўртасида браконьерликка ва кўриқхона режимини бошқача йўллар билан бузишига йўл кўйилмаслиги ҳақида тушунтириш ишлари олиб борадилар.

Сўзимизнинг якунида биз Россия Фанлар академияси Экология ва эволюция муаммолари институти ходимларига лойиҳани бажаришда доимий ёрдам кўрсатгани ва маслаҳатлар бергани учун, шунингдек АҚШ Балиқчилик ва овчилик хизмати ҳамда Сайғоқни асраш бўйича альянсга Россияда сайғоқ билан боғлиқ вазият мушкул бўлиб турган хозирги даврда бизни кўллаб-куватлагани учун ташаккур билдирамиз.



Евгений Полонский/Фотоси

#### «Степной» буюртма қўриқхонасида сайғоқлар подаси сувлоқда

**Таҳририятдан:** 5 июнда нишонланған Атроф муҳитни муҳофаза қилиши Бутунжсаҳон куни муносабати билан ва Астрахань вилояти "Степной" буюртма қўриқхонасида сайғоқни ва чўлларнинг биологик ранг-баранглигини асраш ишидаги хизматлари учун буюртма қўриқхонасининг уч ҳодими Астрахань вилояти маъмуриятининг фахрий ёрликлари билан мукофотландилар. Сайга Ньюс таҳририяти Вячеслав Зимин, Алексей Ткачев ва Геннадий Домовцовни профессионал мукофот билан чин қалбдан табриклайди!

# Популяция миқдори ва Ғарбий Мүғулистанда сайғоқнинг тарқалишига таъсир кўрсатаётган омиллар

Баярбатар Бувейбатар<sup>1,2</sup>, Буяна Чимеддордж<sup>3</sup>, Ганбат Олонбаатар<sup>4</sup>, Бямбатсерен Пуревдордж<sup>4</sup> ва Тодд К. Фуллер<sup>2</sup>

Муаллиф-мухбир: Баярбатар Бувейбатар, [buuveibaatar@wcs.org](mailto:buuveibaatar@wcs.org)

<sup>1</sup> Мүғулистан дастури, Ёввойи ҳайвонларни асрар жамияти, Улан-Батор, Мүғулистан; <sup>2</sup> Атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўлими, Массачусетс Университети, Амхерст (АҚШ); <sup>3</sup> Мүғулистан дастури оғиси, Ёввойи ҳайвонларни муҳофаза қилиш халқаро жамғармаси, Уланбатор, Мүғулистан; <sup>4</sup> Атроф муҳитни муҳофаза қилиш агентлиги, Гоби-Олтой аймоғи, Мүғулистан

## Кириш

Табиатни муҳофаза қилиш халқаро уюшмасининг Қизил рўйхатларида мўғулистан сайғоқи (*Saiga tatarica mongolica*) сони камлиги, ғайриконуний овчилик, оғир қиши, уйдаги мол-ҳол билан ресурслар учун кураш туфайли йўқ бўлиб кетиш хавфи мавжуд бўлган кичик тур хисобланади. Тур экологиясини тушуниш, популяция динамикасидаги ўзгаришларни кузатиш ва турни асрар бўйича ташкилотларга хабар бериш учун унинг сони ҳисобини юритиш муҳимдир. Бу энг аввало йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги турларга тегишли. Уларнинг популяцияси миқдорини аниқлаш уларни асрар стратегияларини ишлаб чикиш ва уларнинг самараадорлиги даражасини баҳолаш учун айникса муҳимдир. Илгари кўлланилган мўғулистан сайғоқи популяциялари миқдорини баҳолаш усуслари факат нисбий миқдор кўрсаткичини олишни таъминлар ёки макон жиҳатидан унча катта бўлмаган географик минтақалар билан чекланган эди. Дистанцион мониторинг усуслари мослашувчанлиги, самараадорлиги ва йирик маконда тарқалган оз сонли популяцияларни танлаб тадқиқ этишда кам молиявий харажатлар талаб қилиши билан ажralиб туради ва популяция миқдорини лозим даражада баҳолаш ва кузатиш имконини беради. Бундан ташқари, сайғоқларнинг кўчуб юришига ва уларнинг ареал доирасида тақсимланишига таъсир кўрсатадиган ёки уни чеклайдиган антропоген омиллар таъсири даражасини миқдорий баҳолаш келажакда мўғулистан сайғоқини асрар учун муҳимдир. Мазкур тадқиқотнинг асосий максади – Ғарбий Мүғулистандаги сайғоқлар миқдорини баҳолаш, шунингдек олинган маълумотлар асосида антропоген омилларнинг таъсири даражасини ва ҳайвонларнинг тақсимланишига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш учун маконда моделлаштиришни амалга ошириш.

2014 йил 4–15 февраль ва 15–27 август кунлари биз майдони 14 713 км<sup>2</sup> ва узунлиги 1 505 км бўлган худудда 10 оралиқда жойлашган 39 доимий чизиқли трансекталарда тадқиқот ўтказдик. Ҳар бир тадқиқот бир вақтнинг ўзида уч гурух томонидан ўтказилди. Чизиқли трансекталарга нисбатан сайғоқларнинг ғужлигини баҳолаш учун (Thomas ва бошқ., 2010) дистанцион танлаб таҳлил қилиш Distance 6.0 компьютер дастури ёрдамида амалга оширилди. Сайғоқ ареали моделини тузиш учун биз тадқиқ этилган трансекталарни майдони 3x3 км (n = 519) бўлган блокларга аж-




Буянибат Гөзмет фотоси

## Мўғулистан сайғоқлари

ратдик ва тегишли ўзгарувчини олиш учун ҳар бир блокда сайғоқлар гуруҳлари миқдоридан фойдаландик. Биз беш прогностик параметрлар (NDVI [ўсимликнинг маҳсулдорлик индекси], денгиз сатхи-дан баландлик, нишаблик, энг яқин аҳоли яшайдиган пунктгача бўлган масофа, энг яқин ер усти сув манбасигача бўлган масофа)ни келтириб чиқардик ва умумлаштирилган чизиқли моделлар [Generalized Linear Models] GLM)дан сайғоқларнинг тарқалиш даражасини баҳолаш учун Пуассон хатосини ҳисобга олган ҳолда фойдаландик. Моделни танлаш Акаике информацион мезони [Akaike Information Criterion] (AIC)дан фойдаланган ҳолда амалга оширилди. Сайғоқларнинг тақсимланишини ўзгарувчан параметрлар тўпламига қараб тушунтирувчи ўзгарувчан параметрларнинг нисбий аҳамияти R дастурида иерархиявий ўзгарувчиларни бўлиш усули ёрдамида баҳоланди.

## Натижалар

Қишки тадқиқот даврида биз ҳаммаси бўлиб сайғоқларнинг 148 гурухини ва жами 1934 бош сайғоқни, ёзги тадқиқот даврида эса – 243 гурух ва 1738 бош сайғоқни аниқладик (1-расм). Дуч келиш эҳтимоллигининг умумлаштирилган баҳоси самарали ҳисобга олиш полосасининг эни 489 м бўлганда 0,44 (CV = 3,49)ни ташкил этди. Қишки ва ёзги даврларда тадқиқотлар ўтказиш учун меҳнат сарфи бир хил бўлди, лекин ёзда дуч келишлар сони (гурухлар сони/км) қишдагидан қаридб 2 баравар кўп бўлди (кишки 0,08 га нисбатан ёзги 0,15). Аммо қишки даврда баъзан йирик гурухлар учрагани боис, қишида



### Сайгоқниң тарқалиши ва пода-пода бўлиб яшаши

Киши	Ёз
• 1 - 5	• 1 - 5
• 6 - 20	• 6 - 20
• 21 - 50	• 21 - 50
• > 50	• > 50

**1-расм.** 2014 йилда қишки ва ёзи тадқикотлар даврида чизиқли трансекталардаги кузатувлар асосида мўгулистан сайдоқларининг маконда тақсимланиши ва пода-пода бўлиб яшаши, Фарбий Мўгулистан

ва ёзда сайдоқлар зичлигини баҳолаш мавсумлар ўртасида статистик фарқларга эга бўлгани йўқ, тегишли равишда 1,20 ( $SE = 0,25$ ) ва 0,81 ( $SE = 0,22$ ). Умуман олганда, амалга оширилган хисобга олишлар маълумотларига кўра,  $14\ 713\ km^2$  майдондаги сайдоқлар ареалида ҳайвонлар сони ўрта хисобда  $14\ 869$  ( $CV = 15.00$ )ни ташкил этган бўлиб, бу тахминан 1 сайдоқ/ $km^2$  зичликка teng.

Сайдоқниң маконда тақсимланишини тушунтирадиган энг яхши модель NDVI, баландлик ва сувгача бўлган масофа қўрсаткичларини ўз ичига олган ва ўзгарувчиларнинг 53% ни тушунтирган. Сайдоқлар мазкур ўзгарувчининг оралиқ қийматларини танлашини қўрсатувчи иккинчи тартибли полином кўрининшидаги моделни тузишда сувгача бўлган масофа янада муҳим қўрсаткич эканлиги аниқланган. Бундан ташқари, соддалаштирилган модель сайдоқлар NDVI қўрсаткичи янада баланд бўлган худудларда кўп учрайди ва катта тепаликлардан иборат худудларни четлаб ўтади, деб тахмин килиш учун асос беради.

Иерархиявий ўзгарувчиларни бўлиш усулини кўллаш натижаларига кўра Мўгулистанда сайдоқларининг маконда тақсимланиши параметрларининг нисбий аҳамияти аниқланди. Хусусан, сувгача бўлган масофа - 36%, баландлик - 28%, NDVI - 23%, энг яқин аҳоли яшайдиган пунктгача бўлган масофа - 11% ва нишаблик - 2%.

## Мухокама

Бизнинг тадқиқотимиз мўгулистан сайдоқи бўйича унинг ареали доирасида сайдоқ популяцияси миқдорининг баҳосини олиш учун чизиқли трансекталарни танлаб дистанцион тадқиқ этишдан фойдаланувчи статистик жиҳатдан изчил методологияни қўллаб ўтказилган биринчи тадқиқотdir. Фарбий Мўгулистанда биз олган сайдоқ миқдорининг баҳоси (11 000-20 000 бош) олдинги йилларда берилган, минимал хисоблашларга асосланган баҳолар (2006 йилда 5 000-7 000 бош)дан анча баланд (Амгалан ва бошк., 2008). Популяция миқдорининг ўзгариши тенденциялари ҳақида узил-кесил хуласалар чиқариш қийин, чунки мониторинг усули ўзгартирилди ва у, эҳтимол, сайдоқларни аниқлаш имкониятларини ошириш имконини берди ва шу сабабли олдинги усууллар ёрдамида олинган миқдорлардан анча баланд бўлган қўрсаткичлар олинишига олиб келди. Шунга қарамай, бизнинг тахминимизча, Мўгулистанда сайдоқлар популяцияси сўнгти ўн йиллик давомида кулаг об-ҳаво шароитлари ва конунларга риоя этиш кучайгани муносабати билан кўпайган.

Популяция миқдорини хисобга олишнинг аниқлик даражасини ошириш табиатни муҳофаза қилиш чоратадбирларининг самарадорлигини баҳолашнинг зарурӣ шартидир, чунки кенг ишончлилик интерваллари ҳар қандай тенденцияни аниқлашни қийинлаштиради. Кичик ва кенг тарқалган популяциялар миқдорини аниқлаш қийин бўлгани боис, навбатдаги қадам мониторинг стандартлаштирилган протоколини ишлаб чиқиша баҳолашларнинг аниқлик даражасини оширадиган усуулларни белгилаш бўлиши лозим.

Биз Фарбий Мўгулистанда сайдоқларнинг тақсимланишига кўп сонли омиллар таъсир қўрсатишини аниқладик. Бизнинг моделимиз сайдоқлар унча баланд бўлмаган ва сув хавзаларига нисбатан яқин ерларда жойлашган серўт яйловли худудларда айниқса кенг тарқалганини намойиш этади. Мўгулистан сайдоқи яшаш учун NDVI қўрсаткичи баланд бўлган (яъни ўсимликлар яхши ўсадиган) жойларни танлаши бу ўта қашшоқ яшаш муҳитиди тасодифий бир хол эмас. Сувнинг мавжудлиги курғоқчилик иқлимда яшайдиган түёқли ҳайвонлар айниқса йилнинг қуруқ даврида яшаб қолиши ва кўпайиши учун ўта муҳим омил хисобланади. Сайдоқлар ер устидаги сув манбаларидан ўртacha узоклиқда жойлашган худудларни афзal қўришларини йирткич ҳайвонлар ҳужуми ва касалликлардан ҳалок бўлиш имконияти билан сувга бўлган эҳтиёж ўртасидаги «муросаи мадора» сифатида тавсифлаш мумкин.

## Миннатдорчиликлар

Мазкур тадқиқот USFWS ва Сайдоқни асраш бўйича альянснинг Кичик грантлар дастури доирасида, шунингдек Мўгулистан Атроф муҳитни муҳофаза қилиш агентлиги томонидан молиялаштирилди. Биз Карлин Сэмюэль ва Э.Ж. Милнер-Гулландга қўрсатган ёрдами учун ташаккур изҳор этамиз. Шунингдек биз дала командаси аъзолари ва ҳайдовчиларга улар экспедициялар пайтида вижданан ишлаганлари учун миннатдорчилик билдирамиз.

# Ўзбекистонда маҳаллий аҳоли иштироқидаги мониторинг маълумотларига кўра сайғоқнинг тарқалиши ва ноқонуний овчилик даражаси

Бикова Е.А., Есипов А.В., Головцов Д.Е.

Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти, ЎзФА, SCA, [esipov@xnet.uz](mailto:esipov@xnet.uz)

Қозогистон ва Ўзбекистон ҳудудида амалга оширилаётган, табиатни муҳофаза қилишга қаратилган бир қатор тадбирларга, шунингдек мазкур мамла-катлар томонидан имзоланган бир қатор халқаро битимлар (масалан, Кўчуб юрувчи ҳайвонлар бўйича конвенция доирасида Сайғоқни асраш, тиклаш ва ундан баркарор фойдаланиш масалаларида ўзаро англашув тўғрисида меморандум, Қозогистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида сайғоқни ва у яшайдиган жойларни асраш бўйича битим)га қарамай, айнан Устюртнинг трансчегаравий ҳолати ушбу минтақа табиатини муҳофаза қилиш учун қи-йинчиликлар туғдирмоқда.

Хозирги вактда сайғоқларнинг устюрт популяциясига одатдаги таҳдидлар ва энг катта хавф – браконьерликдан ташқари, 2011 йилнинг октябрин – 2012 йилнинг июлида Қозогистон ва Ўзбекистон ўртасида курилган ва уларнинг одатдаги кўчиш йўлларини тўсиб кўядиган чегара тўсиғи ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда (SN-15 га қаранг). Умумий узунлиги 200 км дан ортиқ бўлган тўсиқда қолдирилган, эни тахминан 12 км бўлган тор йўлак ҳайвонларнинг монеликсиз кўчишини таъминламайди. Транспорт инфратузилмаси ва нефть-газ секторининг Устюрт экотизимларига салбий таъсирининг кучайиши ҳам қайд этилмоқда.

2012, 2014 ва 2015 йилларда Устюртнинг Ўзбекистон қисмида доимий маршрутларда сайғоқни ер устида мотоцикллардан ҳисобга олиш маҳаллий аҳоли иштироқида ўтказилди. Мазкур методика 2012 йилда Уитли жамғармаси лойихаси (WFN) доирасида сайғоқнинг тарқалиши ва сони мониторинги учун ишлаб чиқилган (С. Оффорднинг SN-14 даги мақолосига қаранг). Бундан ташқари, ЎзР Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси мадади билан сайғоқнинг Устюртда бўлиши, браконьерлик ва ноқонуний савдо қилиш ҳоллари тўғрисида сўров маълумотларини тўплаш давом эттирилди.

## Сайғоқни ер устида мотоцикллардан ҳисобга олишлар



Динорий Головцов фотоси

Трансекталарда сайғоқни ҳисобга олиш даврида тадқиқотчилар командаси


Ҳисобга олишлар Қорақалпоғистон Устюрти-нинг сайғоқлар айниқса кўп келадиган шимоли-шар-кий қисмида (кейинги ўринларда лойиха ҳудуди деб юритилади) амалга оширилди. Майдони 1,67 млн. гектарни ташкил этадиган бу ҳудуд шимолда давлат чегараси билан, шарқда Устюрт чинки ва Орол ден-гизи билан, жанубда  $44^{\circ}15'$  ш.к. меридиани билан, жанубигарбда Кўнгирот – Бейнау автомагистрали бўйлаб 10 километрли ажратилган ҳудуд билан, гарбдан  $56^{\circ}45'$  ш.у. меридиани билан чекланган. Лойиха ҳудуди қайта ташкил этиш босқичидаги «Сай-гачий» ландшафт буюртма кўриқхонасининг барча ерларини деярли тўлиқ қоплади, бунда ҳисобга олишлар билан (маршрутлар умумий узунлиги 1143 км) 137200 гектар майдон ёки лойиха ҳудудининг 8,2% камраб олинган. Келажакда бу маршрутлардан «Сайгачий» ландшафт буюртма кўриқхонасининг хо-димлари сайғоқ популяцияси мониторинги учун фой-даланишлари мумкин.

2012 йилда ҳисобга олишларнинг 5 раунди ўтказилди: апрелнинг бошида, апрелнинг охири – майнинг бошида, майнинг охирида, июlda, сентябрда. Молиялаштириш йўқлиги туфайли 2013 йилда ҳисобга олишлар ўтказилмади. Кейинчалик ҳисобга олишлар 2014 йилнинг майи ва сентябрида ҳамда 2015 йилнинг февралида ўтказилди.

Амалга оширилган ҳисобга олишларга кўра, лойиха ҳудудида сайғоқлар сони 2012 йилнинг апрелидан сентябригача бўлган даврда 525 бошдан 12 бошгача қисқарган. Бизнинг ҳисобга олишларимиздан олдинги даврда ҳайвонларнинг аксарияти шимолга кўчиб кетгани боис, мазкур қисқариш браконьерлар прессинги билан белгиланган бўлса керак.


2012 ва 2014 йилларнинг айни бир ойларидаги сайғоқлар сони таққосланганда, 2014 йилда сайғоқлар сони анча камайгани қузатилади. Хусусан, 2012 йилнинг майида сайғоқлар 244-317 бош микдорида мавжуд бўлган, 2014 йилнинг майида эса уларнинг сони атиги 60 бошни ташкил этган; 2012 йилнинг сентябррида 12 бош сайғоқ қайд этилган бўлса, 2014 йилнинг сентябррида бирорта ҳам ҳайвон аниқланмаган, бу ҳол шимолдан кўп сонли сайғоқлар кўчиб келишини кутиш мумкин бўлган 2015 йилнинг февралида ҳам кузатилган (1-расм).

Бизнинг маълумотларимиз Устюртда сайғоқлар сони сезиларли даражада қисқарганини кўрсатади. Буни 2014 йилнинг апрелида Қозогистонда КР Ўрмон ва овчилик хўжалиги кўмитаси ва Қозогистон биоранг-барангликин асраш уюшмаси томонидан ўтказилган авиация воситаларидан ҳисобга олишларнинг маълумотлари ҳам тасдиқлайди: бу ерда сайғоқлар сони 1.7 минг бошни ташкил этди ва бу 2013 йилги сайғоқлар сони (5,400 бош)дан 69 % кам. Бизнинг маълумотларимизга кўра, сайғоқ устюрт популяцияси сонининг камайиши сўнгти икки йил давомида айниқса кучайган (2-расм), айни вактда, Қозогистон ҳудудида яшайдиган



**1-расм. 2012 ва 2014-2015 йиллардаги муршрутли ҳисобга олишларнинг маълумотларига кўра сайгоқлар сонининг динамикаси**

бошқа популяцияларда сайгоқлар сонининг сезиларли даражада кўпайиши қайд этилган (SN-18 га қаранг).



**2-расм. ҚР Ўрмон ва овчилик ҳўжалиги қўмитасининг авиация воситаларидан ҳисобга олишлари маълумотларига кўра 2010–2014 йилларда сайгоқ устюрт популяцияси сонининг динамикаси**

Бизнинг экспертлик баҳомизга кўра ареалнинг Ўзбекистон қисмида ҳозирги вақтда яшайдиган сайгоқлар сони 500 бошдан ошмайди. Улар каторига «Возрождение» ярим оролида сақланиб қолган сайгоқлар гурухи, Қорақалпоғистон Устюртининг шимолий қисмидаги оз сонли ҳайвонлар ва платонинг жанубий худудларида оз миқдорда учрайдиган ҳайвонлар ҳам киради.

Сўнгти икки йил ичida сайгоқлар сони ўта кам бўлган вазиятда браконьеरлик даражаси ошгани йўқ. 2013-2014 йилларда мазкур ҳайвонлар сонининг қисқаришига олиб келиши мумкин бўлган фавқулодда об-хаво шароитлари ҳам қайд этилмаган. Фақат янги омилнинг мавжудлиги – чегара тўсигининг барпо этилиши сайгоқлар сони қисқаришига олиб келиши мумкин бўлган. Тўсик курилиши 2012

йилда, биз ҳисобга олишларни ўтказаётган даврда давом этди. Ўша даврда сайгоқлар кузги ва баҳорги кўчишлар даврида чегарани ҳали нисбатан монеликсиз кесиб ўта олардилар. 2013 ва 2014 йилларда кўчиш йўллари эни 12 км бўлган тор йўлакни истисно этганда тўлиқ ёпилди. Устюртдаги сунъий йўлдошдан туриб назорат қилинадиган бўйинбоғлардан олинган ҚБАУ маълумотлари сайгоқлар мазкур тор йўлак орқали ўтишлари мумкинлигини тасдиқлайди (А. Салемгареевнинг SN-16 даги маколасига қаранг). Биз чегарада ўрнатилган тўсикдан ошиб ўтишга уринган сайгоқларнинг ўлими ҳақида аниқ маълумотларга эга эмасмиз. Шунга қарамай, Ўзбекистон ва Қозоғистонда

утказилган ҳисобга олишларнинг маълумотларига таянган ҳолда, браконьеरлик ва чегара тўсиги бир бўлиб, Устюртда сайгоқларнинг кучли депрессия ҳолатидаги популяциясига салбий таъсирни янада кучайтирганини тахмин қилиш мумкин.

## Маҳаллий аҳоли ўртасида ўтказилган сўров маълумотлари

2010-2014 йилларда Қўнғирот туманининг Жаслик, Қорақалпоғистон ва Кубла-Устюрт шаҳарчаларида яшайдиган маҳаллий аҳоли ўртасида ўтказилган сўровлар бизнинг маршрутлардаги ҳисобга олишлар натижалари таҳлили асосида чиқарилган сайгоқлар устюрт популяцияси сони камайгани ҳақидаги хуносаларимизни билvosита тасдиқлайди. Хусусан, маҳаллий аҳолидан олинган маълумотларга кўра, 2010 йилнинг январидан 2014 йилнинг декабригача Устюртнинг Ўзбекистон қисмидада 2190 бош сайгоқ рўйхатга олинган бўлиб, шулардан эркаги – 185 бош, ургочиси – 536 бош, сайгоқ болалари – 168 бош, номуайян жинсга мансуб вояга етган сайгоқлар – 1301 бош.

Бунда ҳайвонларнинг энг кўп миқдори 2010 йилда (1224), энг кам миқдори эса – 2012 йилда (155) қайд этилган. 2010 йилнинг январь-август ойларида қайд этилган сайгоқлар миқдори ҳақидаги маълумотларни 2014 йилнинг шу даври билан таққослаш сайгоқлар сони 1301 бошдан 78 бошгacha қисқарганини кўрсатди (3-расм). Болали ва ҳомиладор сайгоқлар ҳам қайд этилди, бу сайгоқлар киши мавсумида Ўзбекистонга кўчиб келиш билан бир қаторда, бу ерда кўпайётганидан ҳам далолат беради.

## Браконьеरлик ва ноқонуний савдо

Браконьеरлик жиддий муаммо бўлиб қолаётир. Сўров маълумотларига кўра, 2010 йилдан 2014 йилгача бўлган даврда вояга етган 251 (104 эркак ва 147 ургочи) сайгоқ отиб ўлдирилган. Шуни қайд этиш лозимки, бу ҳайвонларни браконьеерларнинг фақат бир гурухи отиб ўлдирилган. Отиб ўлдирилган сайгоқларнинг энг кўп сони (168 бош) 2010 йилда қайд этил


ган, шундан кейин ҳар йили 32 бошгача сайғок ўлжа олининган, 2014 йилнинг сентябридан 2015 йилнинг мартағача бўлган даврда эса, браконъерларнинг кўп сонли уринишларига қарамай, сайғоқлар ўлжа олинмаган (3-расм).

қаторда аёллар ҳам иштирок этишади.

Сўров маълумотларига кўра, уч шаҳарчада яшайдиган браконъерларнинг умумий сони тахминан 20 киши бўлиб, бу 10 йил олдинги кўрсаткичдан 5-6 баравар кам. Илгари факат бир шаҳарча (Жаслик)да ноқону-

ний ов билан элликка якин киши шуғулланар эди (Бикова, Есипов, FFI хисоботи, 2004). Браконъерлар сони қисқаришига сайғоқлар сони камайиши, давлат назоратининг кучайиши натижасида ноқонуний бизнес рентабеллигининг пасайиши, шунингдек одамлар янги иш олиши ва Қозоғистонга доимий яшаш учун кўчиб кетиши сабаб бўлди.

Шундай қилиб, биз олган маълумотларга асосланган ҳолда, Ўзбекистонда сайғоқлар сони камайиша давом этажанини кўрсатиш мумкин.



**3-расм. Махаллий ахоли томонидан қайд этилган сайғоқлар сони йиллар бўйича (кўк чизик) ва шу даврда ўлдирилган сайғоқлар сони (қизил чизик)**

Биз браконъерлар кимлигини ва уларнинг маҳаллий шаҳарчалардаги сонини аниқлашга ҳаракат қилдик. Сўров маълумотларидан фойдаланиб, биз ноқонуний бизнесга жалб этилган одамларнинг тўрт тоифасини фарқладик:

**1-тоифа – «овчилик».** Овга асосан спорт билан уйғун қизиқиш туфайли чиқадилар. Улар пул ишлаб топишга розилар, лекин бу уларнинг асосий мақсади эмас. Улар кўпинча сайғоқни унинг гўшти учун овлайдилар. Қоида тариқасида, улар 40 ёшдан ошган одамлар, улар ишлайди, лекин 3-4 ойлаб маош олмайди.

**2-тоифа – «браконъерлар ва контрабандачи-лар».** Бу одамлар факат пул учун ов қиласидилар. Қоида тариқасида, улар ишсиз, тасодифан учраган ишларни бажариб тирикчилик қиласидилар. Сайғоқни овлаш уларнинг аксарияти учун ё асосий тирикчилик манбаи, ё даромадларнинг муҳим бўғинидир. Уларнинг кўпчилиги бошқа ноқонуний фаолият (ноқонуний металл савдоси, контрабанда, мол ўғирлаш ва бошқ.)да иштирок этади.

**3-тоифа – «трейдерлар».** Уларнинг аксарияти Қозоғистонга кўчиб кетган собиқ Ўзбекистон фукаролари. Илгари улар сайғоқ бизнесида иштирок этишган ва хозир эски алокаларидан фойдаланиб Ўзбекистонга сайғоқ шохини олгани келишади. Улар ишсиз бўлиб, сайғоқ билан боғлик ноқонуний фаолиятни Қозоғистонда ҳам давом эттиришади.

**4-тоифа – «воситачилар».** Улар шохларни йиғадилар ва сўнг Қозоғистондан келган трейдерларга сотадилар. Ноқонуний савдода эркаклар билан бир

Сайғоқлар сонининг энг кўп қисқариши 2013-2014 йилларда бир қатор омиллар, энг аввало браконъерлик ва 2012 йилда сайғоқнинг кўчиш йўлларини тўсиб кўйган чегара тўсиги барпо этилиши таъсирида қайд этилди. Бу устюрт популяцияси тикланиш салоҳиятининг қисқаришига доир салбий прогнозларни тасдиқлади (Милнер-Гулланднинг SN-15 даги мақолосига қаранг). Сайғоқларни қирилиб кетишдан қутқариш учун браконъерлик устидан назоратни табиатни муҳофаза қилиш ва маъмурий тузилмаларнинг биргаликдаги кучлари билан кучайтириш, Ўзбекистонда «Сайгачий» ландшафт буюртма кўриқонасини қайта ташкил этиш жараёнини жадаллаштириш йўли билан худудни муҳофаза қилишни таъминлаш, шунингдек мавсумий кўчишлар даврида чегара тўсиги таъсирини Қозоғистон томондан юмшатиш йўли билан сайғоқларнинг ҳаракатланишини енгиллаштириш учун бир қатор чоралар кўрилишини таъминлаш зарур.



**Устюрт сайғоқларининг мусодара килинган шохлари**

**Тахририятдан:** биз ушбу сонни тайёrlаётган пайтда, ишиончли манбалардан устюрт сайгоқларининг одатдаги кўчиши йўлидаги бирдан-бир йўлак тўсилгани ҳақида хабар келди. Популяциянинг инқизорзли ҳолатини ҳисобга олганда, бу «сўнгги» томчи Устюрт платосида сайгоқ мавжудлигининг кўп асрли тарихига нуқта қўйиши мумкин.

## Сунъий йўлдошдан олинган ўта аниқ суратлардан сайғоқ мониторинги учун фойдаланиш имкониятлари

A. A. Ячменникова<sup>1,2</sup>, B. B. Рожнов<sup>1</sup>, D. B. Добринин<sup>2</sup>

Муаллиф-мухбир: Анна Ячменникова, [felis.melanes@gmail.com](mailto:felis.melanes@gmail.com)

1. Россия Фанлар академияси А.Н. Северцов номидаги Экология ва эволюция муаммолари институти, Москва; 2. СКАНЭКС Муҳандислик-технология маркази, Москва.

Ҳайвонлар сонини ҳисобга олиш – мониторинг нинг энг муҳим жиҳатларидан бири. Сайғоқлар сонини ҳисобга олишлар ва олинган бошлангич маълумотларга ишлов бериш турли усууллар билан амалга оширилади (паст учадиган АН-2 самолёти ёки вертолётдан ҳисобга олишлар; автомобилда ҳисобга олишлар). Юқорида санаб чиқилган усууллар кўз билан кўрилган ҳайвонларни рўйхатга олишдан иборат бўлиб, бу мазкур усууллар ҳар йили кўлланганда, албатта, популация сонининг ўзгариши жараёнлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш имконини бериши мумкин. Мазкур усууллар ёрдамида олинган маълумотларга ишлов бериш натижалари танланган ишлов бериш усулига кўп жиҳатдан боғлиқ ва одатда ҳисобга олиш пайтида тез ҳаракатланаётган ҳайвонларни ҳисоблашнинг мушкуллиги билан белгиланган катта статистик хатони ҳам ўз ичига олади. Сунъий йўлдошдан олинган ўта аниқ суратлардан фойдаланиш сайғоқлар сонини баҳолашга нисбатан муқобил ёндашувга айланиши мумкин. Ерни зондлаш дистанцион усууллари фаол ривожлантирилмоқда ва бу улардан экотизимлар ҳолатини баҳолаш учун фойдаланиш ва сунъий йўлдошдан олинган суратларда анча кичик объексларни, шу жумладан турли хил сут эмизувчилар, хусусан сайғоқни фарқлаш имконини беради.

Ушбу ишнинг мақсади – сунъий йўлдошдан олинган ўта аниқ суратларда сайғоқларни аниқлаш имкониятини белгилаш ва уларнинг сонини ҳисбга олиш усулини ишлаб чиқиш. Биз керакли кўрсаткичларга эга бўлган GeoEye-1, EROS-B ва Plaedes сунъий йўлдошларидан олинган суратлардан фойдаландик, суратлар таҳлилини эса ScanEX IMAGE Processor дастури ёрдамида амалга оширдик. Статистик ҳисобкитоблар Statistics 8.0 дастури ёрдамида амалга оширилди. Гурухлар ўртасидаги ва гурухлардаги ҳайвонлар ўртасидаги масофалар MapInfo Professional 8.0 SCP дастури ёрдамида ҳисоблаб чиқилди.

Суратга олишни ўтказиш учун худудида сайғоқлар мавжудлиги аниқ бўлган модель участка сифатида Қалмиқистон Республикаси Ёввойи ҳайвонлар марказининг «Яшкульский» парваришхонаси, методикани табиий мухитда синовдан ўтказиш учун эса – Астрахань вилояти «Степной» буюртма қўриқхонаси нинг худуди танланди. Қўриқхона ходимлари томонидан вақти-вақти билан ўтказиладиган кузатишларга

кўра, суратга олиш пайтларида бу ерда сайғоқларнинг мавжудлиги эҳтимоли катта бўлган ва космосдан олинган маълумотларни жода текшириш имконияти доимий равишда мавжуд бўлган.

Биз сайғоқларни бошқа объекtlардан, масалан, одамларнинг мол-ҳолидан ёки моддий объекtlардан фарқлаш учун бир қатор белгиларни аниқладик: объекtnинг ва у акс этаётган фоннинг контрасти; суратдаги ҳайвонлар ранги, уларнинг ўлчамлари [узунлиги, эни ва бўйи] ва пропорциялари [узунликнинг энга нисбати], шунингдек ўтлаётган подалар тузилиши ва шакли [«жисм»нинг ташқи кўриниши].

Сунъий йўлдошдан олинган суратнинг аниқлик даражаси унда сайғоқ катталигидаги объекtnи аниқлаш имконини беришига ишонч ҳосил қилиш учун суратга олиш пайтида сайғоқлар турган “Яшкульский” парваришхонаси вольлерларининг Eros-B, Geo-Eye ва Plaedes йўлдошларидан турли даврларда олинган учта сурати (аниқлик даражаси пикселда 0.5 м дан 0.8 м гача). Учала суратда ҳам сони вольерда турган сайғоқлар сони билан амалда мос келадиган объекtlар аниқланди. Plaedes йўлдошидан олинган суратда (аниқлик даражаси пикселда 0.5 м) сайғоқларни ўлчашлар амалга оширилди: узунлиги –  $0.91\pm0.18$  м, эни –  $0.54\pm0.13$  м, тана узунлигининг энiga нисбати –  $1.74\pm0.37$  ( $n=154$ ). Бу маълумотлардан кейинчалик чўлда, “Степной” буюртма қўриқхонаси худудида сунъий йўлдошдан олинган суратлардаги ҳайвонларни идентификация килишда андоза сифатида фойдаланилди.

Суратда сайғоқни чўлда ўтлаётган бошқа ҳайвонлардан фарқлаш имконини берадиган белгилар – бу уларнинг ранги, ўлчамлари ва пропорциялари, шунингдек ўтлаётган подалар шакли ва тузилиши. Ҳайвонлар ранги – сайғоқни фарқлаш имконини берадиган яхши белги. Суратга олиш учун сайғоқлар қишики оқ юнг билан қопланган давр танланди, чунки бу ранг қорсиз чўлнинг қорамтири ранги билан яхши контрастга киришади, ваҳоланки, ўлчам жиҳатидан ўхшаш кўйлар подаси хеч қачон ранг жиҳатидан бир хил ҳайвонлардан таркиб топмайди, балки аралаш ранга эга бўлади. Чўлда ўтлаётган ҳайвонларнинг узунлиги ва энини солиштириш сайғоқлар сигирлар ва отлардан калта ва энсиз эканлигини кўрсатади, суратларда эса сайғоқлар ва қўйларнинг тасвирлари

сигирлар ва отларнинг тасвирларидан кам пикселларни эгаллайди. Сайгоқ танаси узунлигининг энига нисбати 1.0 дан кам эмас, одатда тахминан 1.5, кўйники эса 1.0 дан ошмайди. Суратда объектнинг бўйи қуёш нурларининг тушиш бурчаги тангенси ва объект сояси узунлиги бўйича аниқланади: сайгоқлар тuya, сигир ва отлардан паст бўлади. Тахлил жараёнида биз суратда ғуж бўлиб турган хайвонлар ўртасидаги масофаларни ва айрим хайвонлар ғужлиги тузилишини тугун нукталар сифатида, бир-бирига яқин турган уч хайвон ўртасидаги масофаларни эса – мазкур нукталар ўртасидаги алоқалар сифатида олдик. Ушбу кўрсаткичлар таҳлилига кўра, хайвонлар ўртасидаги ўртача кўрсаткичлар сайгоқлар ғужлигига ( $2.84 \pm 1.3$  м) ва кўйлар подасида ( $2.18 \pm 1.51$  м) аниқ фарқ қиласди, мезон  $t = 6.58$ ,  $p < 0.005$ .

Мазкур ёндашувдан фойдаланиш чўлда туёклилар ғуж бўлиб турган жойларни аниқлаш билан бир қаторда, сайгоқларни одамлар боқаётган кўйлар, сигирлар ва отлардан фарқлаш имконини берди. Сунъий йўлдошдан олинган суратларни тестлаш хайвонларни идентификация қилишда уларни фарқлаш имконини берадиган барча белгилардан фойдаланиш, суратга олиш шароитларига қараб суратда янада аниқ акс этган параметрларни танлаш ва ҳар бир объектни аниқлаш учун уларнинг бирикмасидан фойдаланиш ўринли бўлишини кўрсатди.


«Степной» буюртма кўриқхонаси худудининг суратида сайгоқларнинг 14 ғужлиги ва сайгоқдан бошқа хайвонларнинг 3 ғужлиги (бир ғужлик – кўй подаси, иккى ғужлик – кўй ва сигир/отларнинг аралаш подалари) аниқланди. Бу суратдаги тасвирлар катта худудда ( $266 \text{ km}^2$ ) хайвонлар ғужликларининг бир вақтда тақсимланишига тавсиф бериш, ғужликлар ўртасидаги масофаларни хисоблаб чиқиш ва улардаги

сайгоқлар сонини хисоблаш (16 бошдан 1657 бошгача), шунингдек ғужликларнинг координатларини аниқлашга кўмаклашди. Сунъий йўлдошдан олинган суратда идентификация қилинган объектлар хайвонларнинг қайси турига мансублиги ҳакидаги фаразлар суратдан аниқланган координатлар бўйича "Степной" буюртма кўриқхонаси ходимлари томонидан ҳудуднинг ўзида тасдиқланди.


Суратлар таҳлили ғужликдаги хайвонларнинг хатти-харакатлари хусусиятини аниқлашни ўрганиш имконини ҳам берди: суратда ўтлаётган сайгоқлар юмалоқ ғуж тузилмалардан, харакатланаётган сайгоқлар эса – чўзинчоқ ингичка ғужликлардан иборат.

Шундай қилиб, киши мавсумида сунъий йўлдошдан олинган ўта аниқ суратлардаги объектларни идентификация қилиш бир вақтнинг ўзида сайгоқлар сонини аниқлаш, сайгоқлар гурухларининг тақсимланишини, бундай тақсимланиш динамикасини, подаларнинг фаоллиги хусусиятини таҳлил қилиш, ғужликлар мониторингини ўтказиши имконини беради. Тавсифланган усул минимал хатолик беради ва хайвонларга хеч қандай зарап етказмайди.


Иш Сайгоқни асраш бўйича альянс ҳамда АҚШ Балиқчилик ва овчилик хизмати кичик грантлар дастурининг молиявий ёрдами билан бажарилди. Муаллифлар "СКАНЭКС" компанияси, А.А. Лушекина, А.А. Бобков, "Степной" буюртма кўриқхонаси (Астрахань вилояти) ва Қалмиқистон Республикаси Ёввойи хайвонлар маркази ("Яшкульский" парваришхонаси) ходимларига миннатдорчилик билдирадилар. Батафсилоқ қаранг: V.V. Rozhnov, A.A. Yachmenikova, D. V. Dobryniin. On possibility to identify the saiga antelope (*Saiga tatarica*) on very-high resolution satellite images // Doklady Biological Sciences, Volume 459, Issue 1, pp 358-362.



*I-расм. Pléiades сунъий йўлдошидан олинган сурат - "Яшкульский" парваришхонасининг сайгоқлар турган вольерлари:*  
*(а) – вольердаги сайгоқлар; (б) – катталаштирилган (а) фрагменти; (в) – хайвонларни ва уларнинг соясини ўлчаш усули.*



**2-расм.** EROS-B сунъий йўлдошидан олинган чўл сурати (1-жадвал, № 4). Подалардаги ҳайвонлар рангига кўра фарқ қиласи: (а) суратда барча ҳайвонлар оқ рангли бўлиб, бу уларни сайгоқлар сифатида аниқлаш имконини беради, (б) суратда ҳайвонлар хар хил рангли бўлиб, бу уларни сайгоқдан бошқа ҳайвонлар сифатида аниқлаш имконини беради.



**3-расм.** Сайгоқлар ғужлигига (а) ва қўйлар отарида (б) ҳайвонлар ўртасидаги масофалар ушбу ҳайвонларнинг ғужликлари тузилишини тавсифлайди. Суратга ишлов беришда ҳайвонлар рангли нуқталар билан белгиланади.

## Сайгоқнинг турли популяцияларини шохлар ва жундаги барқарор изотоплар бўйича ўрганиш


Маттиас Шнейдер<sup>1</sup>, Дороти Друкер<sup>1</sup>, Баярбатар, Бувейбатар<sup>2</sup> Эрве Бочеренс<sup>1,3</sup>

Муаллиф-мухбир: Маттиас Шнейдер, [Matthias.schneider@student.uni-tuebingen.de](mailto:Matthias.schneider@student.uni-tuebingen.de)

1. Биогеология ишчи гурӯҳи, Тюбинген Университети (Германия); 2. Ёввойи ҳайвонларни асраш жамияти, Мўғалистон дастури, Улан-Батор, Мўғалистон ва Атроф мухитни муҳофаза қилиш бўлими, Массачусетс Университети, Амхерст (АҚШ); 3. Сенкенберг Инсоннинг яшаш мухити ва палеомуҳит маркази (НЕР), Тюбинген Университети (Германия)

Браконьерлар сайгоқни унинг шохларини қўлга киритиш учун овлаганларидек, африка филларини ҳам уларнинг ноёб тишлигини эгаллаш учун овлайдилар, фил суюги билан боғлиқ браконьерлик ва контрабанда эса мисли кўрилмаган қўлам касб этган. Филлар популяцияларини муҳофаза қилишни кучай-

тириш мақсадида 2008 йилда Африка филларини асраш бўйича ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилди. Мазкур ташаббус доирасида мусодара қилинган фил суюгининг келиб чиқишини аниқлаш, конуний йўл билан сотилган фил суюгини ноконуний йўл билан пулланган фил суюгидан фарқлаш ва гайриқонуний



**1-расм.** Бетпакда, Қалмиқистон ва Мұғулистан сайгоқларыда  $\delta^{13}\text{C}$  ва  $\delta^{15}\text{N}$  қийматы. Мұғулистандан олинган намуналарда  $\delta^{13}\text{C}$  диапазони Бетпакда да Қалмиқистондаги популяцияларнинг шундай катталикларини қопладамайды.  
(Такрорийлик:  $\delta^{13}\text{C}: \pm 0.1\text{‰}$ ,  $\delta^{15}\text{N}: \pm 0.2\text{‰}$ .)

изотоплар ёрдамида аниқлаш усулини сайгоқлар учун күллаш мүмкінми? Фил шохлари билан бўлган ҳолдаги сингари, барқарор изотоплар манфаатдор идораларга ноқонуний сотилаётган сайгоқ шохларини идентификация қилиш ва уларнинг келиб чиқишини аниқлашга ҳатто шохлар мажақланган ёки кукусимон кўринишда топилган тақдирда ҳам ёрдам бериши мумкин.

Изотоплар – бу айни бир элемент атомларининг атом массасига кўра бироз фарқ қиласидаган тур хиллари. Мазкур фарқ атомлардаги нейтронлар микдоридаги тафовут билан изоҳланади. “Барқарор” кўшимчаси мазкур элемент радиоактив парчаланмаслигини англатади. Изотоплар билан тадқиқотлар ўтказиш учун элементнинг икки айниқса кўп сонли изотоплари нисбати текширилади. Сўнг бу нисбат “ $\delta$ ” белгилар тизимини ифодалайдиган ва ўхшатишларни амалга оширишни енгиллаштирадиган ҳалқаро стандарт билан солиширилади. Истеъмол қилинган овқат ва ичилган сув орқали мазкур элемент изотоплари ҳайвон ичига тушади ва унинг танасида тўпланади. Бир нечта омиллар изотоплар нисбатидаги географик фарқларни кўрсатиши мумкин. Углерод тўпланишида истеъмол қилинган ўсимликлар типи бош ролни ўйнайди.

Азот тўпланишида маҳаллий иклим, олtingугурт тўпланишида эса – остки қатлам жинслари биринчи даражали аҳамият касб этади. Шу сабабли изотопларнинг ҳар хил нисбатлари ҳайвон тўқималарида кодланган географик ахборотни бериши мумкин. Бу ахборотдан сайгоқнинг тури популяциялари ўртасидаги фарқларни аниқлаш учун фойдаланилиши мумкин. Мұғулистандан олинган намуналар гурухи тадқиқ этилган бошқа икки гурух намуналаридан дифференциация қилишда факат углероддан фойдаланиш ( $\delta^{13}\text{C}$ ) уларнинг мансублигини аниқлашда 100% аниқликка олиб келганини кўрсатди (1-жадвал).

Сўнг учала популяция ўртасидаги фарқларни учала изотопдан фойдаланган ҳолда аниқлашда 98%

савдо йўлларини қидириб топиш учун изотопли усул кўлланила бошлади. Мазкур тадқиқот яхши натижалар берди. Олинган маълумотлар фил суюги номаълум намунарнинг келиб чиқишини 89% гача аниқлик билан аниқлаш мүмкинлигини кўрсатди. Бу ва бошқа шунга ўхшаш тадқиқотларнинг натижалари қуйидаги савол туғилишига сабаб бўлди: ҳайвонлар тўқималарининг келиб чиқишини барқарор

**1-жадвал:** Устки жадвада Мұғулистан, Бетпакда ва Қалмиқистондан олинган намуналар ўртасидаги фарқларни квадратик дискриминант таҳлил йўли билан аниқлаш натижалари кўрсатилган. Пастки жадвал факат Мұғулистандан олинган намуналарнинг колган икки популяциядан фарқларини аниқлаш натижаларини кўрсатади. Квадратик дискриминант таҳлил асосида олтингугурт ёки олтингугурт ва азот таҳлилдан чиқарилган ҳолда натижалар ўзгариади.

Бетпакда vs. Қалмиқистон vs. Мұғулистан			
	$\delta^{13}\text{C}$ , $\delta^{15}\text{N}$ , $\delta^{34}\text{S}$	$\delta^{13}\text{C}$ , $\delta^{15}\text{N}$	$\delta^{13}\text{C}$
Хатолар сони	1	8	13
Хатолар фоизи	1.37	10.26	16.67
Логарифмик ишончлилик-2	6.709	27.74	45.58

Бетпакда ва Қалмиқистон vs. Мұғулистан			
	$\delta^{13}\text{C}$ , $\delta^{15}\text{N}$ , $\delta^{34}\text{S}$	$\delta^{13}\text{C}$ , $\delta^{15}\text{N}$	$\delta^{13}\text{C}$
Хатолар сони	1	0	0
Хатолар фоизи	1.37	0	0
Логарифмик ишончлилик-2	1.938	1.611	1.718

гача намуналарнинг мансублиги тўғри аниқланди. Мұғулистандан олинган намуналар учун  $\delta^{13}\text{C}$  катталикларидаги мазкур тўғридан-тўғри фарқ айrim масалаларда вакт ва маблағлар сарфини қисқартириш учун камроқ микдорда изотоплардан фойдаланиш кифоя қилиши мүмкинлигини кўрсатади. Бундан ташқари, натижалар уч ёки ундан ортиқ популяцияларни дифференциация қилишда изотоплар сонининг кўплиги таниб олишнинг аниқлик даражасини оширишини кўрсатади.

Келажакда навбатдаги қадам мазкур усулни сайгоқнинг бешала популяцияси учун кўллаш мүмкинлиги ёки мумкин эмаслигини текшириш учун тадқиқотда фойдаланилмаган бошқа популяциялардан намуналарни тўплаш ва таҳлил қилишдан иборат бўлади. Шунга қарамай, бу дастлабки натижаларнинг

ўзиёқ сайгоқнинг турли популяцияларини барқарор изотоплар ёрдамида дифференциация қилиш мумкинлигини тасдиқлади. Шундай қилиб, барқарор изотоплар келажакда сайгоқ шохлари билан ноқонуний савдо қилишга қарши курашиш учун фойдали воситага айланиши мумкин.



Маммас Шнейдер фотоси

Ўлчашлар олдидан юнг намуналари вазнини аниқлаш

## Божхона хизмати учун намуналарни тайёрлаш юзасидан тавсиялар:

- Тўқима намунасини 2 мг миқдорида, ҳар бир таҳлил учун камида 5 намуна олиш.
- Олинган материалларни саралаш ва уларнинг рўйхатини тузиш (шохлар, юнг, тери), кўлқопларда ишлаш.
- Материалнинг ҳар намунасини фотосуратга олиш.
- Материалнинг ҳар бир фрагментини зич беркиладиган алоҳида пластик пакетга жойлаш.
- Пакет сиртига идентификация коди ва олиш санасини ёзиш.
- Идентификация кодини тегишли фотосурат билан бирга рўйхатдан ўтказиш.
- Пакет ва унга оид ахборот (фотосурат, идентификация коди)ни тегишли лабораторияга юбориш.

Батафсил ахборотни қўйидаги сайтда топиш мумкин:

<http://www.geo.uni-tuebingen.de/studium/studentische-projekte/wissenschaftliches-praesentieren-ss-2014-und-ws-201415/geowissenschaften/mathias-schneider.html>

## Шимоли-Гарбий Каспийбўйи аҳолиси сайгоқларни ноқонуний истеъмол қилишини ўрганиш

Форрест Хогг<sup>1</sup>, Юрий Арилов<sup>2</sup>, Э.Ж. Милнер-Гулланд<sup>1</sup>

Муаллиф-мухбир: Форрест Хогг, [forresthogg@gmail.com](mailto:forresthogg@gmail.com)

1. Империя коллежи, Лондон. 2. Қалмиқистон Республикаси Ёввойи ҳайвонлар маркази

## Кириш


Ноқонуний ов Шимоли-Гарбий Каспийбўйи (Россия) худудида яшовчи сайгоқларга таҳдид солишида давом этётir. Ҳужжатли далиллар озлигига қарамай, сайгоқ шохлари билан савдо қилиш ва улардан фойдаланиш ҳоллари мавжудлиги эътироф этилади, лекин сайгоқ гўштини истеъмол қилиш ходисасининг хусусияти ва унинг тарқалиши билан боғлиқ масалаларга анча кам эътибор берилади.

2014 йилнинг майидан июлигача бўлган даврда Лондон Империя коллежи ва Қалмиқистон Республикаси Ёввойи ҳайвонлар маркази (ЁХМ) вакиллари Қалмиқистон шарқидаги (браконьерлик марказлари сифатида маълум) олти шахарчада ва ва 40 фермада ижтимоий-иктисодий тадқиқот ва асосий ахборот берувчилар ўртасида сўровлар ўтказдилар. Лойиҳанинг мақсади уй хўжаликларида сайгоқ гўштини истеъмол қилиш кўламини аниқлаш, сайгоқ гўшти ва уни истеъмол қилишнинг аҳамиятини, гўштнинг мазаси ва уни ишлатиш меъёrlарини тушуниб етишдан иборат бўлди.

Файриқонуний ҳаракатлар тўғрисидаги масалаларни очиқ муҳокама қилиш билан боғлиқ вазиятнинг нозиклигини хисобга олиб, сайгоқ гўштини истеъмол қилиш кўламига оид баҳолар билвосита саволлар ёрдамида керакли маълумотларни олиш ва жавобларнинг нообъективлигини камайтириш имконини берадиган ва жуфтсиз сонлар методи [Unmatched Count Technique] (UTC) билан олинди. Мазкур методдан фойдаланилганда одамларга табиатдаги фаолият турлари рўйхати (ёки ҳаракатлар рўйхати) кўрсатилади ва буларнинг нечтасида улар иштирок этишларини айтиш сўралади, бунда улар қайси фаолият турларида иштирок этишлари аниқ кўрсатилмайди. Эркин танланган респондентларнинг ярмига ғайриқонуний ҳаракатларнинг бандларидан холи рўйхат, иккинчи ярмига эса – бундай бандлардан иборат рўйхат кўрсатилади. Икки гуруҳ ўртасида ҳаракатлар миқдоридаги фарқ мазкур турдаги ҳаракатларнинг тарқалганлик даражаси ҳакида тахминий хулоса чиқариш имконини беради.

## Гайриқонуний ҳаракатлар кўлами

UTC асосида ўтказиладиган тажрибаларда нохолислик даражасини камайтириш учун одамларга аввал телевизион дастурлар, қонун билан рухсат этилган ҳайвон турларини ов қилиш ҳақида саволлар берилди. Кейин улардан гайриқонуний фаолият турлари – сайғоқ гўштини истеъмол қилиш ва браконьерлик ҳақида сўралди. Сўровдан ўтказилган оиласларнинг 26% ( $\pm 8$ )да сўнгги 6 ой ичида сайғоқни овлаган одам борлиги, 34% ( $\pm 9$ ) эса сайғоқ гўштини истеъмол қилгани аниқланди. Ҳисоб-китобларга кўра, аъзолари олдинги 12 ой ичида сайғоқни ноконуний овлаган оиласлар улуши жуда паст бўлган ва эҳтимол, 0% дан 12% гачани ташкил этган (1-расм).



1-расм. Оиласлар ўртасида ҳар хил фаолият турлари кўламини тахминий баҳолаш (теледастурлар рўйхати бўйича – UTC дастлабки саволларига кўра – ҳисоблаш сўров билан қамраб олинган ахолининг 52% ( $\pm 13$ ) сўровдан олдин бир хафта давомида «Пусть говорят» кўрсатувини томоша қилганини кўрсатди).

## Ижтимоий-иқтисодий омилларга боғлиқлик

Олдинги олти ой давомида бошликлари касб эгалари ва деҳқон хўжаликларининг эгалари бўлган нисбатан бой оиласларда сайғоқ гўштининг истеъмол қилиниши эҳтимоли нисбатан қашшоқ (бошликлари малакасиз ишчи ёки ишсиз бўлган) оиласлар билан таққослаганда анча кам бўлган. Аммо, ўз фермаларига эга бўлган оиласлар, умуман олганда, бошликлари малакали ходим, малакасиз ишчи ва ишсиз бўлган оиласларга қараганда гўштнинг кўпроқ турларини истеъмол қилган бўлсалар-да, улар сайғоқ гўштини истеъмол қилиш даражасининг анча пастлиги билан ажralиб туради. Қишлоқларда жой-

лашган (ахолиси <1000 киши) уй хўжаликлари орасида сайғоқ гўштини истеъмол қилиш даражаси фермер хўжаликлари ва шаҳар (ахолиси >5000 киши) оиласларидагидан анча баланд бўлган. Эрденевский ва Хулхута шаҳарчаларида сайғоқ гўштини истеъмол қилиш даражаси Яшкуль шаҳарчасидагидан анча баланд. Этник мансублик, оила хўжалигининг катта-кичиклиги ва яшаш даври истеъмол қилиш даражасига жиддий таъсир кўрсатмайди.



Қалмиқистонда материал тўплаш – фермер билан сұхбат

## Қиммати, таъми, мавжудлиги

Аксарият респондентлар сайғоқ гўштини гўштнинг бошқа турларига қараганда арzon деб ҳисоблайдилар (нархларга доир маълумотлар асосий ахборот берувчилардан тўпланган). Аммо баъзан сайғоқ гўштини «деликатеслар» қаторига киритганлар ва шаҳарларда у қишлоқлардагидан қиммат деб ҳисоблаганлар. Одамлар сайғоқ гўштини саломатлик учун гўштнинг кенг тарқалган бошқа уч турига қараганда фойдалироқ деб ҳисоблашга мойил бўлганлар; Совет Иттифоқи парчалангандан кейинги даврда ва бошқа оғир даврларда сайғоқ гўштига кўпинча самарали оқсил манбаи ва айрим касалликларни даволаш воситаси сифатида қараганлар. Бундай ирим-чиrimлар Қалмиқистоннинг қишлоқ туманларида ҳанузгача маълум даражада сақланиб қолган. «Агар сен касал бўлсанг, сайғоқ гўштини ейиш сенга ҳатто бу қонунга хилоф бўлса ҳам рухсат этилади», деган фикрга айрим одамлар кўшилади.

Ахборот берувчилар сайғоқ гўшти оз бўлган шароитларда, агар уни етказиб бериш даражаси кўпайса, бундай гўштни сотиб олишни хоҳловчи одамлар сони анча кўп эканлигини тахмин қилдилар.



#### Қишлоқда топилган сайғоқ шохларини ноқонуний сотиб олиш ҳақидаги әйлон

Шунингдек улар сүнгти ўн йиллик давомида сайғоқ гүштининг нархи анча ошганини хабар қилдилар. Бир кило лаҳм гүштнинг ўртача нархи 67 рубл (1,5 АҚШ доллари) бўлиб, бу 2004 йилги нархдан уч баравар кўп (20 рубл, 0,5 АҚШ доллари; Кюль ва бошқ., 2009). Ҳатто инфляцияни ҳисобга олганда ҳам (2004-2013 йилларда Россия Федерациясида инфляциянинг йиллик ўртача даражаси 9,35% ни ташкил этган; [www.inflation.eu](http://www.inflation.eu)), бу нарх амалда эллик фоизга ошганини англатади. Бундай қимматлашувга қарамай, сўров ўтказилган шаҳарчаларда сайғоқ гүшти аввалгидек гүштининг одатдаги турлари (мол гүшти ва кўй гүшти)дан арzon бўлиб, бу қашшоқлик сайғоқ гүштини истеъмол қилишни рағбатлантириша катта роль ўйнашини яна бир карра тасдиқлади.

#### Сайғоқ гүштини истеъмол қилишнинг ижтимоий мақбуллиги

Сайғоқни ов қилишга доир ижтимоий меъёрларнинг идрок этилиши ҳайвонот оламини асраш қадриятлари билан тўла мос келади, шунга қарамай, «мен яшайдиган жамоаада аксарият катталар сайғоқ

гүштини ейши яхши эмас, деб ҳисоблайдилар», деган фикрга муносабат бир хил эмас. Респондентларнинг 47 фоизи бу фикрга қўшилган бўлса, 20 фоизи нейтрал ёки аниқ бир тўхтамга келгани йўқ, 27 фоизи эса унга қўшилмади. Шу нарса дикқатга сазоворки, бу фикрга қўшилмаган одамлар орасида охирги 6 ой давомида сайғоқ гүштини еганлар озчиликни ташкил этди (UTC натижалари асосида): сайғоқ гүштини еганлар бу фикрга қўшилган одамлар орасида 49% ( $\pm 14\%$ )ни ташкил этган бўлса, бу фикрга қўшилмаган одамлар орасида 15% ( $\pm 12\%$ )ни ташкил этди.

#### Хулосалар

Мазкур тадқиқот сайғоқ гүштини истеъмол қилиш Қалмиқистоннинг қишлоқ ҳудудларида кенг тарқалганини кўрсатди. Махаллий аҳолининг мазкур гүштнинг мавжудлиги ҳақидаги тасаввурлари ва асосий ахборот берувчиларнинг хабарлари сайғоқ гүшти билан маҳаллий савдо тузилмалари орқали таъминлаш, доимий талаб мавжудлигига қарамай, мунтазам эмаслигидан далолат беради. Олинган маълумотлар сайғоқ гүштини истеъмол қилиш оиласларнинг нисбатан паст ижтимоий-иктисодий мақоми ва оқсил манбаларидан баҳраманд бўлиш имконияти чеклангани билан боғлиқ эканлигини кўрсатади; шунга қарамай, одамларнинг сайғоқ гүштининг хоссалари ҳақидаги тасаввурлари ранг-баранг ва қадриятлар, дидлар, илгари ўзлаштирилган маданий меъёрлар доирасини акс эттиради. Сайғоқ гүштини истеъмол қилиш ижтимоий мақбул деб ҳисоблайдиган ва уни амалда истеъмол қиласидан одамлар ўртасида алоқа мавжуд. Истеъмол қилиш масалаларини мухокама қилиш учун жамият турли сегментларини бирлаштиришга қаратилган жамоатчилик фикрини шакллантириш тадбирлари тафовутларни камайтиришга ёрдам бериши мумкин. Олинган маълумотлар сайғоқни асраш мақсадида гүшт истеъмол қилиш муаммосини ечишнинг мухимлигини ва сайғоқни ноқонуний овлаш, унинг гүштини сотиш ва истеъмол қилишда инсон омилини янада теран тушуниш зарурлигини кўрсатади.



Форрест Хогг маҳаллий аҳоли ўртасида сўров ўтказмоқда

# Сайғоқлар Урал популяциясини асраш ишида волонтёрларнинг қатнашиш ниятига таъсири кўрсатувчи омиллар

Кати Маббутт<sup>1</sup>, Жанна Аксартова<sup>2</sup>, Карлин Сэмюэл<sup>1</sup>, Э.Ж. Милнер-Гулланд<sup>1</sup>  
Муаллиф-мухбир: Э.Ж. Милнер-Гулланд, [e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk](mailto:e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk)

1. Лондон Империя коллежи; 2. Қозоғистон биоранг-барангликни асраш уюшмаси

## Кириш

Табиатни муҳофаза килишга қаратилган самарали тадбирларни амалга оширишда одамлар хулк-авторини тушуниш биринчи даражали аҳамият касб этади. Бу тадқиқотда биз сайғоқни асраш дастурлари доирасида волонтёрлик ишига ўзини баҳшида этмоқчи бўлган одамларни қайси омиллар бошқаришини тушуниб етишни ўз олдимизга мақсад қилиб кўйдик. Биз Фарбий Қозоғистондаги икки шаҳарча (Ажайбай ва Нурсай) аҳолиси ўртасида сўровлар ўтказдик. Бу шаҳарчаларнинг танланишига уларда айни бир давр мобайнида ҳам инфомрацион, ҳам маърифий иш олиб борилгани сабаб бўлди. Уларда Сайғоқ куни 2010, 2013 ва 2014 йилларда ўтказилган, Чўл клуби эса 2013 йилдан бери фаолият кўрсатади. Шунингдек мазкур инфомрацион ва маърифий тадбирларнинг таъсирини баҳолаш ҳам амалга оширилди.

Биз Айзеннинг ижтимоий психологиядаги режалаштирилган хулк-автор назарияси (1991)дан сайғоқни асраш дастурларида волонтёр бўлишга тайёрлик даражасини баҳолаш учун асос сифатида фойдаланиб, одамларнинг волонтёрлик ишига, мазкур фаолият билан боғлиқ ижтимоий меъёларга бўлган муносабатини, уларнинг волонтёрлик ишини бажариш қобилиятлари ва волонтёр бўлиш ниятларини баҳолаш учун сўровнома туздик (1-расм). Шунингдек биз одамлар сайғоқнинг ҳолати, уни асраш чора-тадбирлари ҳақида ва сайғоқни асраш борасидаги фаолиятда иштирок этиш учун нима килиш кераклиги тўғрисида маълумотлар тўпладик, чунки буларнинг барчаси одамларнинг волонтёр бўлиш ниятига таъсири кўрсатиши мумкин.


## Методика

Сўровнома тўрт асосий бўлимдан иборат: ижтимоий-демографик ахборот; чўл ҳақидаги билимлар; чўлга муносабат; волонтёр бўлишга тайёрлик даражаси.

Шунингдек, Сайғоқ кунини ўтказиш пайтида фойдаланиш мақсадида, болалар ва катталар учун саволноманинг қисқартирилган версияси ишлаб чиқилди. Бундан кўзланган мақсад – маърифий тадбирларнинг хабардорлик даражасига, волонтёрлик ишига бўлган муносабатга ва бу ишда иштирок этишга тайёрлик даражасига таъсирини баҳолаш. Оппортунистик танланмалардан фойдаланган ҳолда индивидуал сўровлар ўтказилди (4-7 майда Ажайбайда, 10-13 майда Нурсайда). Танлаб тадқиқ этишда нохолисликни камайтириш учун сўровлар иш кунлари ҳам, дам олиш кунлари ҳам, куннинг турли қисмларида ўтказилди. Ҳар бир сухбат тахминан 40 минут давом этди. Иш яқунланган пайтга келиб тадқиқотлар билан юқорида кўрсатилган шаҳарчаларнинг ҳар бири қамраб олинди. Махсус сўровномалар шаҳарчаларнинг ҳар бирида ўтказилган Сайғоқ кунининг барча қатнашчилари ўртасида таркатилди.

## Натижалар

Биз жами 239 респондентни, шу жумладан 113 нафарини бевосита яшаш жойида, шунингдек Сайғоқ кунидан иштирок этган 34 өвояга етган шахс ва 92 болани сўровдан ўтказдик. Умуман олганда, респондентларнинг сайғоқ ва чўл ҳақидаги билимлари даражаси анча баланд эканлиги аникланди. Нурсай аҳолисининг билимлари даражаси Ажайбай аҳолисининг билимлари даражасидан бирор паст. Сайғоқ кунидан қатнашганларнинг билимлари даражаси мазкур тадбирда иштирок этмаганларнинг билимлари даражаси билан тенг. Бу кутилмаган бир ҳол бўлди, аммо уни байрамда қатнашганлар унда қатнашмаганларга ахборот бергани билан изоҳлаш мумкин бўлса керак, чунки бу шаҳарчаларда Сайғоқ куни уч йилдан бери ўтказилмоқда. Уй бекаси бўлган аёлларнинг билимлари даражаси бошқа гурухлардагидан паст. Пенсионерларнинг билимлари даражаси бошқа гурухларнидан баланд. Жонли табиат чўл клуби аъзоларнинг билимлари даоажаси клуб аъзоси бўлмаганларни кидан баланд. Бу кутилмаган бир ҳол бўлгани йўқ, чунки Жонли табиат чўл клубида болалар маълум ахборотни олганлар. Аксарият респондентлар (70%) сайғоқни ов қилишни асосий таҳдид сифатида баҳоладилар; 13% фавқулодда об-ҳаво шароитларини шундай



1-расм. Мазкур тадқиқот учун мослаштирилган Айзеннинг режалаштирилган хулк-автор назарияси (1991)

хавф сифатида қайд этдилар. Бошка хавфлар, масалан, йирткіч ҳайвонлар таъсири, ем тақчиллиги ёки инфратузилма таъсири камдан-кам холда асосий хавф сифатида баҳоланды. Умуман олганда, респондентлар чүл табиатини муҳофаза қилишни ижобий баҳоладилар. Билимлари даражаси баланд бўлган одамлар ва Нурсай шаҳарчаси аҳолиси бунга янада ижобий муносабат билдириди, Сайғок кунида қатнашгандарнинг муносабати эса бошқа респондентларнинг муносабати билан бир хил бўлди. Субъектив мөъёлар волонтёрлик ишига бўлган муносабатга доир хулқ-атворни прогнозлаштиришда энг жиддий омил эканлиги аникланди. Респондентлар сайғокни асраш ишида ихтиёрий қатнашишни талаб қилувчи ижтимоий босим мавжудлигини ҳис қилганда, волонтёр бўлишга тайёр эканликларини билдирилар. Бу шаҳарчанинг бошқа аҳолиси қатнашётган тадбирларни кенг ошкор этиш ҳисобига сайғокни асраш ишида волонтёрлар сонини кўпайтириш мумкин, деб тахмин қилиш учун асос беради. Сайғокни асраш ишида волонтёр бўлиш ниятини прогнозлаштиришда идрок этиладиган хулқ-атворни бошқариш (яъни улар ўзлари истаган тақдирда волонтёр бўла олишлари мумкинлигини ҳис қилган-қилмагани) унча кучли эмаслиги аникланди. Чўл табиатини муҳофаза қилишга муносабати янада ижобий бўлган одамлар сайғокни асраш ишида ихтиёрий равишда иштирок этишга кўпроқ даражада тайёрлар.

Биз одамлардан сайғокни асраш бўйича волонтёрлик ишида сиз амалда иштирок этганимисиз ва волонтёр сифатида сиз нима қилишни истар эдингиз, деб сўрадик (1-жадвал). Ҳозирги вақтда волонтёрлик қилаётганини айтган одамлар волонтёрлик ишида

келажакда ҳам иштирок этиш ниятида эканлигини билдирилар. Сайғокни асраш бўйича волонтёрлик ишида иштирок этиш ниятини пенсионерлар нисбатан кам билдирилар. Респондентларнинг ярмидан кўпи – ҳам катталар, ҳам болалар сайғокни асраш муаммоси ҳақида аҳборот бериш тадбирларида иштирок этишга тайёр эканликларини билдирилар. Бизнинг фикримизча, Сайғок куни аудиториясини унда нафакат муайян мактабларнинг ўкувчилари, балки шаҳарчада яшовчи барча аҳоли иштирок этиши учун кенгайтириш мумкин. Катталарнинг қарийб ярми сайғоклар ҳақида ўз дўстлари ва оила аъзоларига сўзлаб беришга тайёр эканликларини билдирилар, лекин улар жиддий ишлашни талаб қиласидан фаолиятда, масалан, экологияга оид маълумотларни тўплаш ёки тадбирларни ташкил этишда қатнашишга камроқ даражада тайёрдирлар. Айни вақтда, болалар бундай фаолият турларида иштирок этишини жуда исташларини билдирганлар ва бу сайғокни асраш ишининг турли йўналишларида уларнинг иштироки даражасини ошириш учун имкониятлар мавжуд, деб тахмин қилиш учун асос беради. Респондентлардан табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг қайси турлари айниқса самарали бўлиши мумкинлигини баҳолаш сўралганда, биринчи ўринлар жазони оғирлаштириш ва хукукни кўллаш фаолиятини кучайтиришга берилди, табиатни муҳофаза қилиш фаолиятида иштирок этишга жамоатчиликни тўғридан-тўғри жалб қилишни эса респондентлар табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг муҳимлик жиҳатидан иккинчи ўринда турадиган тури сифатида баҳоладилар (2-жадвал). Уралда жамоатчилик назорати схемаси самарали амал қилаётгани боис, бундай аралашувни давом эттириш фойдали бўлиши мумкин.

#### **1-жадвал. Респондентлар шуғулланишга тайёр бўлган волонтёрлик иши турлари:**

Волонтёрлик фаолияти	Болалар %	Катталар %
Сайғокни муҳофаза қилиш масалалари бўйича кўп сонли аҳборот-маърифий тадбирларда иштирок этиш	62	57
Сайғокни муҳофаза қилишнинг аҳамияти ҳақида оиласи/дўстлари билан сұхбатлар	18	48
Сайғок популяциялари ҳақида экологик маълумотларни тўплашда ёрдам бериш	63	15
Сайғокни муҳофаза қилиш бўйича аҳборот-маърифий тадбирлар ёки клублар ташкил этиш/уларга раҳбарлик қилиш	52	16
Пул маблағларини эҳсон қилиш	18	7

#### **2-жадвал. Сайғокнинг ҳолатини яхшилаш учун фаолиятининг энг самарали шакллари ҳақидаги саволга даражалаштирилган жавоблар (болалар ва катталар жавобларининг бирлаштирилган миқдори кўrsатилган)**

Табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг тури:	1-чи	2-чи	3-чи	Жами
Ушланган одамларга жазоларни оғирлаштириш	55	60	36	151
Сайғокни асраш тадбирларида жамоатчиликнинг тўғридан-тўғри иштирокини кенгайтириш	17	39	61	117
Хукукни кўллаш харакатларини кучайтириш	39	42	32	113
Махаллий ахолининг ҳозирги ишидан даромадларини кўпайтириш	48	15	17	80
Сайғокнинг қиммати ва аҳамияти ҳақидаги одамлар нуқтаи назарини ўзгартириш	20	24	36	80
Махаллий ахолига турли ишларга жойлашишда ёрдам кўрсатиш	21	25	14	60

## Тавсиялар:

- Сайғоқ кунига ўхшаш ахборот-маърифий тадбирлар билан айрим мактабларгина эмас, балки бутун аҳоли қамраб олиниши лозим.
- Чўл клублари ёш волонтёрлар учун дастурларни амалга оширишни уларда волонтёрлик кўнникмаларини болаликдан шакллантириш учун бошлашлари, шунингдек уларни экологик мониторинг ва тадбирларни ташкил этиш сингари харакатларга кўпроқ жалб қилишлари мумкин.
- Волонтёрлик ишида қатнашишни хоҳловчи одамларни қўллаб-қувватлаш мақсадида волонтёрлар учун расмий дастурларни таъсис этиш, уларга мониторинг ва баҳолаш унсурларини киритиш, бошқа одамлар эътиборини уларнинг шаҳарчаси ёки қишлоғи аҳолиси волонтёрлик фаолиятида иштирок этаётганига қартиш, шу тариқа мазкур ишда қатнашишга бошқа одамларни ҳам рағбатлантириш мумкин.

- Минтақада амалга оширилаётган ахбороттарғибот одамларда Сайғоқ кунини ташкил этиш ва ўтказища, Чўл клубларининг ишида фаол катнашиш ва уларга ёрдам беришга тайёрлик ҳиссини пайдо қилишда давом этиши лозим.
- Маҳаллий аҳолига берилаётган ахборот одамлар сайғоқни асраш учун қандай ҳаракатларни бажаришлари лозимлигини аниқ тавсифлаши керак.
- Жамоатчиликнинг биргалиқдаги мониторинги схемасини тиклаш имкониятини ўрганишни давом эттириш зарур.

## Миннатдорчиликлар

Бу тадқиқот FFI/USAID Устюрт ландшафтларини асраш ташаббуси, Сайғоқни асраш бўйича альянснинг PTES ва Дисней жамғармалари томонидан молиялаштирилаётган лойиҳалари молиявий мадади билан ўтказилди. Биз Нурсай ва Ажибай шаҳарчалари аҳолисига тадқиқотни ўтказища ёрдам ва мадад кўрсатгани учун, шунингдек ҚБАУ жамоасига фидокорона меҳнати учун ташаккур билдирамиз.

## Сайғоқни асраш – уларнинг ҳаёт иши

### Сайғоқларни учратиш мен учун катта омад ва нишона бўлди!



ҚБАУ фотоси

*Альберт Салемгареев – Қозогистон биоранг-барангликни асрashi юшибаси (ҚБАУ) «Олтин Даля» табиатни муҳофаза қилиши ташаббусининг техник координатори. Бу ташкилотда ишни у 2007 йилда, талабалик даврида, лойиҳа ассистенти сифатида бошлаган. Илмий қизиқишилари соҳаси – амалий экология, экологик информатика, ГИС, телеметрия, биоранг-барангликни асрasi. Болаликдаги сафарларга қизиқиши, қушларни кузатishi, фотосуратга олиши ва видеотасвирга тушириши менинг касбимга айланди.*

## **Мұх.: Сизда сайғоққа қизиқиши қачон пайдо бўлган?**

Болалигимда мен бу ҳайвонлар ҳақида ота-онам, кўшнилар ва ўқитувчиларнинг хикояларидан эшитганман. Сайғоқларни биринчи марта талабалик давримда, биринчи курсда кўрганман. Бу 2004 йилда бўлган. Ўша даврда сайғоқлар сони ҳаддан ташқари камайиб кетган эди, шу боис уларни учратиш мен учун катта омад ва баҳт, эҳтимол нишона бўлди!

## **Мұх.: Сиз сайғоқни ўрганиш ва асраш бўйича ишни қачон бошлагансиз?**

Сайғоқларни ўрганиш ва асраш бўйича ишни мен институтни битирганимдан кейин бошладим. Мени ҚБАУ жамоасига қабул қилишди. Ўша даврда сайғоқларнинг Қозогистондаги энг йирик популяцияси – бетпакдала сайғоқларини ўрганиш ва асраш бўйича лойиха бошланган эди. Мазкур лойиха доирасида сайғоқларнинг кўчиш йўлларини ўрганиш, авиация воситаларидан уларни ҳисобга олиш усусларини такомиллаштириш, АМТҲ тармогини кенгайтириш бўйича кўп ишлар бажарилди. Бу иш хозирги вақтда ҳам давом этмоқда.

## **Мұх.: Сизнинг одатдаги куннингиз қандай кечади?**

Менинг ишимда бир кун бошқа кун билан мос келмайди, умуман кунга тавсиф бериш мумкин эмас. Одатдаги «дала иши»га назар ташласақ, куннинг катта қисмини тадқиқот иши ташкил этади. Масалан, авиация воситаларидан ҳисобга олишда куннинг катта қисмини самолётда ўтказаман. Бу ерда ўта зийрак бўлиш ва иллюминатордан қараб сайғоқлар гурухини топиш, уларнинг сонини санаб чикишга улгурниш, шунингдек кейинчалик уларнинг ёш ва жинс тузилишини ўрганиш учун фотосуратга олиш талаб этилади. Сайғоқларнинг туғиши даврида биз трансекта бўйича ҳисобга олишни ўтказамиз, бунда янги тугилган сайғоқ болаларини ҳисоблаш, уларнинг жинси, вазнини аниқлаш ва белги кўйиш амалга оширилади – бундай ишда ҳар куни 10 км дан ортиқ йўлни пиёда босиб ўтишимизга тўғри келади. Қиشا, сайғоқларнинг куйикиш даври бошлангач, машиналар ва “снегоходлар”да куйиккан сайғоқлар гурухларини неча эркак иштирок этаётганини кузатиш учун қидирамиз. Офисдаги иш ҳам зерикиш имконини бермайди, чунки тўпланган материалларнинг барчасига ишлов бериш талаб этилади. Офис иши кейинги дала ишини режалаштириш ва ташкил этиш учун ҳам мухимдир.

## **Мұх.: Сиз ўз ишингизда асосан қандай муаммоларга дуч келасиз?**

Ишда жиддий муаммоларни хис этмайман – мен ўз ишимни яхши кўраман. Умуман иш ҳақида гапирганда, молиявий тақчилликни қайд этиш мумкин, чунки ҳайвонларнинг ноёб турларини ўрганиш бўйича ғоялар кўп, лекин уларнинг ҳаммасига ресурслар етишмайди.

## **Мұх.: Ишингиздаги ғов-тўсиқларни қандай қилиб бартараф этиш мумкин?**

Тадқиқот ишларида давлат томонидан молиялаштиришни кўпайтириш, шунингдек Қозогистоннинг биологик ранг-баранглигини асраш ишига саноат секторини жалб қилиш.



**Бетпакдала популяцияси сайғоқларининг туғиши жойларини ўрганиш**

## **Мұх.: Ишингизда сизга нима қўпроқ ёқади?**

Менинг ишимда энг маъқули шуки, мен ўзимга ёқадиган ва олижаноб иш билан шуғулланаман – мен буни ўзим учун катта мукофот деб ҳисблайман, мен бир вактлар мамонтлар ва юнгли каркидонлар билан бирга битта заминда яшаган қадимги антилопани асраш ва ўрганиш ишига ҳисса қўшяпман! Менимча, бизнинг ишимиздаги яна бир муҳим ютуқ сайғоқлар ва бўриларни сунъий йўлдошдан туриб белгилаш бўлса керак, чунки биз Марказий Осиёда буни биринчи бўлиб бажарган ташкилотмиз, биз бажарган ишимиз билан гурурланишимиз мумкин ва ўз тажрибамиз билан бажонидил ўртоқлашамиз.

## **Мұх.: Сайғоқни асраш истиқболларини сиз қандай баҳолайсиз? Мазкур тур яшаб қолишига кўмаклашиш учун биринчи навбатда нима қилиш керак?**

Бугунги кунда Қозогистонда сайғоқлар билан боғлиқ вазият яхши томонга ўзгармоқда (мұх. бу сўзлар сўнгги кунларнинг фожиали воқеалари юз беришидан анча олдин айтилган - юқорида қаранг), биз сайғоқнинг икки популяцияси – бетпакдала ва урал популяциялари сони 30% га кўпайганини кузатмоқдамиз, факат Устюрт популяцияси қисқаришда давом этмоқда. Давлат сайғоқларни муҳофаза қилиш ва ўрганишга катта маблағларни сарфламоқда, лекин, шунга қарамай, асосий муаммолардан бири – браконьерлик муаммоси ҳали-ҳануз ҳал этилгани йўқ. Бугунги кунда браконьерлик сайғоқлар сони камайишининг асосий сабабларидан бири ҳисобланади. Менимча, конунчиллик даражасида браконьерлик учун жазо чораларини оғирлаштириш бўйича ишни кучайтириш зарур.



**Сунъий йўлдошдан назорат қилиш учун бўйинбогни тақиши**

**Мух.: Ҳайвонларнинг ноёб турларини ўрганиш ва асраш борасида ишлашингиз даврида бу соҳада қандай ўзгаришлар юз берди, унда хозир қандай жараёнлар юз бермоқда?**

Бу соҳада мен яқинда иш бошлаганман, шу боис унга қиёслаб баҳо бера олмайман. Аммо шуни ишонч билан айта оламанки, республикамида ёввойи ҳайвонларни ўрганиш ва асраш билан боғлиқ вазият яхши томонга ўзгарди. Ҳайвонларнинг ноёб турларини ўрганиш ишига жалб этилган ёшлар сони тобора кўпайиб бораётгани ҳам буни тасдиклайди. Уларда бу ишга қизиқиш катта, келажаги эса порлок. Ҳайвонларнинг ноёб турларини асраш муаммосини ечиш ишида кўпгина миллий ва халқаро ташкилотлар ҳам фаол иштирок этмоқда. Агар мазкур вазият келажакда ҳам сақланиб қолса, айрим турлар билан боғлиқ муаммо ўз ечимини топишига умид қиласиз.

## Миннатдорчиликлар

*Биз Сайгоқни асраш бўйича альянс ишини қўллаб-қувватлаш учун ўз вақти ва маблагларини аямаган ҳаммага ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Биз WCN ходимлари ва волонтёрларига кўрсатган ёрдами ва мадади учун ташаккур изҳор этамиз. Шунингдек биз нашrimizning мазкур сонини қўллаб-қувватлаган ташкилотлар – Ҳайвонларнинг кўчиб юрувчи турлари бўйича конвенция, WCN, WWF-Мўгулистан ва WCS-Хитойдан ҳам миннатдормиз.*

**Таҳрир ҳайъати.** Буюк Британия: проф. Э.Ж. Милнер-Гулланд [муҳаррир-консультант], Лондон Империал Коллэжи ([e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk](mailto:e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk)); Қозоғистон: Ю. Грачев, проф. А. Бекенов, Зоология институти ([teriologi@mail.ru](mailto:teriologi@mail.ru)), Ш. Цутер, ҚБАУ ([steffen.zuther@acbk.kz](mailto:steffen.zuther@acbk.kz)); Хитой: Аили Канг ([akang@wcs.org](mailto:akang@wcs.org)) ва Фенглиан Ли ([fli@wcs.org](mailto:fli@wcs.org)), WCS Хитой; Мўгулистан: Б. Лхагвасурен ([lkhagvazeer@gmail.com](mailto:lkhagvazeer@gmail.com)) ва Б. Чимеддорж ([chimedдорj@wwf.mn](mailto:chimedдорj@wwf.mn)), WWF-Мўгулистан; Россия: А.Лушекина, Экология ва эволюция муаммолари институти ([saijak@hotmail.com](mailto:saijak@hotmail.com)) ва Ю. Арилов, Қалмиқистон Республикаси Ёввойи ҳайвонлар маркази ([saiga-center@mail.ru](mailto:saiga-center@mail.ru)); Ўзбекистон: Е. Бикова [масъул муҳаррир] ва А. Есипов, Ўсимликлар ва ҳайвонот олами генофонди институти ([esipov@xnet.uz](mailto:esipov@xnet.uz)), дизайнер О. Есипова, [esipovaolya@gmail.com](mailto:esipovaolya@gmail.com).

Бу нашр билан онлайн режимда [www.saiga-conservation.com](http://www.saiga-conservation.com), <http://saigak.biodiversity.ru/publications.html> да танишиш ёки унинг чоп этилган нусхасини инглиз, қозоқ, хитой, мўғул, рус ва ўзбек тилларида сўровга биноан муҳаррирлардан олиш мумкин.

Сизга олти тилнинг исталган бирида материаллар юборишини таклиф қиласиз. Марҳамат қилиб, уларни [esipov@xnet.uz](mailto:esipov@xnet.uz) манзилига ёки муҳаррирлардан бирига юборишингиз мумкин. Ахборотнома ҳар йили икки марта чоп этилади. Муаллифлар учун қоидаларни инглиз ва рус тилларида [www.saiga-conservation.com](http://www.saiga-conservation.com) да топишингиз ёки сўровга биноан муҳаррирлардан олишингиз мумкин. Агар Сизда саволлар туғилган бўлса, марҳамат қилиб, ўз мамлакатингиздаги *Saiga News* муҳаррири ёки масъул муҳаррир Елена Бикова билан ([esipov@xnet.uz](mailto:esipov@xnet.uz)) боғланинг.